Ҳақсевар, она юрт, манго бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● 1996 йил 6 июль, шанба ● № 53 (10.828) ● Эркин нархда сотилади

ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН ҚАЙТИНГ

Америка Қўшма Штатларининг Атланта шаҳрида XXVI ёзги Олимпиада ўйинлари бошланишига саноқли кунлар қолди. 4 июль куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ана шу нуфузли мусобақага йўл олаётган мамлакатимиз спорт делегацияси аъзоларини қабул қилди.

Президент анжуман қатнашчиларини қутлаб, спортчиларимизнинг мустақил давлат вакиллари сифатида олимпиада ўйинларида қатнашиши муҳим воқеа эканини таъкидлади. Зеро, спорт соҳасидаги ҳар бир ғалаба мамлакатнинг жаҳон миқёсида нуфузи ошишига хизмат қилади, ёшлар ўртасида спортнинг оммалашувига, буюк давлат асоси бўлган соғлом авлодни тарбиялаш ишига кўмаклашади. Ислом Каримов бу йўлда олис Америка заминида ўтказиладиган улкан мусобақа қатнашчиларига сабот, яхши кайфият ва сўнмас ирода ёр бўлишини тилади.

Қабул маросимида спортчиларга эсдалик совғалари топширилди. Учрашувда сўзга чиққан Ўзбекистон Миллий олимпиада қўмитаси раиси С. Рўзиев, спорт фахрийси Р. Салимова, боксчи Н. Отаев, дзюдочи А. Мухторов мамлакатимизда спортчиларга яратилаётган шарт-шароит, кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун Президент Ислом Каримовга, республика ҳукуматига миннатдорлик билдирдилар. Олимпиада ўйинларидан ғалаба билан қайтиш, Ватанимиз қудратини яна бир бор намойиш этиш учун бор куч ва маҳоратларини сафарбар этажакларини баён қилдилар.

Учрашувда республика Бош вазири Ў. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, А. Азизхўжаев, Олий Мажлис Раиси ўринбосари Б. Бугров, Бош вазир ўринбосари С. Саидқосимов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар қатнашди.

(ЎзА).

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ПРЕЗИДЕНТИ УИЛЬЯМ ЖЕФФЕРСОН КЛИНТОН ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари,

Шахсан ўз номимдан ва Ўзбекистон халқи номидан Ўзбекистон делегацияси Қўшма Штатларда бўлган пайтида кўрсатилган мислсиз ҳурмат-эҳтиром учун самимий миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Биз АҚШ маъмурияти томонидан ўзимизга кўрсатилган катта эътиборни юксак қадрлаймиз.

Сиз билан бўлган учрашув натижаси, жаноб Президент, улкан аҳамиятга эга бўлиб, нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки ундан ташқарида содир бўлаётган воқеаларнинг ҳам ижобий ривожланишига хизмат қилишига аминман.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва суверенитетини, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб демократик ва бозор янгиланишларини қўллаб-қувватлаётганингиз учун Сизга алоҳида миннатдорлик билдираман.

АҚШ давлат департаментида, Мудофаа вазирлиги ва Конгрессида олиб борган музокараларимиз, шунингдек йирик америка компаниялари вакиллари билан учрашувимиз чоғида эришилган ахдлашувлар бизнинг сиёсий, савдо-иқтисодий ва ҳарбий соҳаларда стратегик ва ўзаро фойдали ҳамкорлигимиз учун кенг имкониятлар очиб беради.

Тинчлик ва барқарорликни таъминлашда, экстремизм, терроризм ва наркобизнесга қарши курашда жаҳоннинг турли минтақаларида, жумладан Марказий Осиёда ҳам таранг вазият ва қарама-қаршиликлар келиб чиқишининг олдини олишда шахсан Сизнинг ва АҚШ маъмуриятининг саъй-ҳаракатлари бугунги кунда Ўзбекистонда ва бутун минтақада кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, жаноб Президент, Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва фаолиятингизда янги-янги муваффақиятлар ҳамда Қўшма Штатлар халқига осойишталик ва равнақ тилашга ижозат бергайсиз.

Камоли эҳтиром ила,

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ Б. Н. ЕЛЬЦИН ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Борис Николаевич,

Сиз Россия Федерациясининг Президенти юксак лавозимига қайтадан сайланишингиз муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Сайлов якунлари Россия халқи келажакка катта ишонч билан қараётганини ҳамда Сизнинг демократик ва бозор ислоҳотларини давом эттириш борасидаги йўлингизни қўллаб-қувватлаётганини яққол тасдиқлади.

Сизнинг ғалабангиз Ўзбекистон билан Россия ўртасида таркиб топган дўстона ва тенг ҳуқуқли муносабатлар иккала халқнинг бахт-саодати йўлида бундан буён ҳам ривожланиб, мустаҳкамланиб бораверади, деган ишончимизни кучайтиради.

Муҳтарам Борис Николаевич, шахсан Сизга янгидан-янги муваффақиятлар ва омонлик, Россия халқига эса фароғат ва равнақ тилаб билдирган энг эзгу истакларимни қабул қилгайсиз.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ФАРМОЙИШИ

Буюк давлат арбоби, маданият ва санъат ҳомийси Амир Темурнинг дунё тарихида тутган ўрни ҳамда темурийларнинг илм-фан, маориф ва маданият тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссаларини тарғиб этиш, келажак авлодларни миллий қадриятларга чексиз ҳурмат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида:

1. «Ўзбеккино» давлат-акционерлик компанияси, Маданият ишлари вазирлиги, Фанлар академияси ва Халқаро Амир Темур жамғармасининг кино муассасаларида, ўқув юртларида, жумладан, темурийлар тарихи давлат музейида намойиш қилишга мўлжалланган махсус илмий-оммабоп, хужжатли фильмлар яратиш бўйича кўрик-танлов ўтказиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Амир Темур ва темурийлар тарихига оид илмий-оммабоп, хужжатли фильмлар кўрик-танловининг ҳайъати 1-иловага, кўрик-танлов низоми 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. «Ўзбеккино» давлат-акционерлик компанияси бир ҳафта муддатда тегишли вазирликлар ва ташкилотлар билан кўрик-танловни юқори даражада ўтказиш чора-тадбирларини белгиласин.

Кўрик-танлов 1996 йил 25 августда якунлансин.

4. Молия вазирлиги «Ўзбеккино» давлат-акционерлик компаниясига кўрик-танловни ўтказиш ва ғолибларни тақдирлаш мақсадида маблағ ажратсин.

5. Кўрик-танлов ва унинг якунлари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилсин.

6. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш ижтимоий масалалар ва маданият бўлими зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 4 июль.

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 4 июлдаги фармойишига 1-илова

ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИДА НАМОЙИШ ЭТИЛАДИГАН ИЛМИЙ-ОММАБОП, ҲУЖЖАТЛИ ФАЛЬМЛАР КЎРИК-ТАНЛОВИ ҲАЙЪАТИНИНГ ТАРКИБИ

Юнусов Т. — «Ўзбеккино» компанияси раиси, ҳайъат раиси
Аҳмедов А. — Халқаро Марказий Осиёни тадқиқ қилиш институтининг директори
Аҳмедов Б. — Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси, ЎзФа академиги
Аббосов Ш. — Режиссёр, халқ артисти
Абдуллаев Р. — Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг раиси
Акбаров Ҳ. — Филология фанлари доктори, киношунос
Бошбеков Ш. — Драматург, давлат мукофотининг совриндори
Жўраев Т. — Ўз Фа президенти
Зоҳидов П. — Санъатшунослик институти архитектура бўлимининг бошлиғи
Иноятов Қ. — Ўз Фа тарих музейи директори
Миржалилов Т. — Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси раиси
Орипов А. — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси, Ўзбекистон халқ шоири
Пугаченкова Г. — Ўз Фа академиги
Файзиев Ҳ. — Оператор
Кўзиев Т. — Маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари
Хабибуллаев Н. — Ўз Фа тарих институтининг катта илмий ходими
Ҳакимов А. — Санъатшунослик институти директори ўринбосари.

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 4 июлдаги фармойишига 2-илова

ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ ИЛМИЙ-МАВЗУИЙ ЭКСПОЗИЦИЯСИДА НАМОЙИШ ЭТИЛАДИГАН ИЛМИЙ-ОММАБОП, ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР КЎРИК-ТАНЛОВИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Буюк давлат арбоби, маданият ва санъат ҳомийси Амир Темур ҳамда темурийларнинг дунё тарихида тутган ўрни, жаҳон цивилизацияси — уйғониш даври маданиятига қўшган муносиб ҳиссаларини тарихий манбалар асосида ёритиш кўрик-танловнинг асосий вазифасидир.

I. Фильмларни яратишда қуйидаги мавзулар асос учун қабул қилинади:

— Амир Темурнинг марказлашган давлатга асос солишини тарихий хужжатлар асосида ҳаққоний бадиий тадқиқ этиш;

— Ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларнинг ривожланганлиги ва буюк ипак йўлининг қайта тикланишига қўшган ҳиссасини кўрсатиш;

— Илм-фан, маданият, санъат, меъморчилик ва шаҳарсозликнинг ривожланишида алоҳида хизматларини акс эттириш;

— Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги шарофати билан Амир Темур ва темурийлар даврига янгича ёндашилаётганлиги;

— тарихий ва маданий ёдгорликларни келажак авлодга нес-нобуд қилмасдан етказишни тарғиб этиш;

— авлодларни миллий қадриятларни ардоқлаш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш.

II. Фильмлар қуйидаги техник талабларга жавоб бериши керак:

— Жаҳон андозаларига мос бўлиши;

— олий сифатли тасмаларда суратга олиниши;

— тасвири, матни, мусиқаси, бадиий савияси юксак бўлиши;

— ҳажми 5-20 дақиқадан иборат бўлиши.

III. Қуйидаги мукофотлар таъсис этилади:

Халқаро Амир Темур жамғармаси:
биринчи мукофот учун: 80 минг сўм
Маданият ишлари вазирлиги:
иккинчи мукофот учун: 60 минг сўм
Ўзбекистон фанлар академияси:
учинчи мукофот учун: 50 минг сўм
«Ўзбеккино» давлат-акционерлик компанияси:
рағбатлантирувчи мукофотлар:
1. Энг яхши сценарий учун — 25 минг сўм
2. Энг яхши операторлик иши учун — 25 минг сўм
3. Энг яхши режиссёрлик иши учун — 25 минг сўм

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Азиз спортчилар, қадрдон ўғлонларим ва қизларим!

Ҳурматли мураббийлар!

Сизлар — халқимизнинг фахру ифтихори бўлган спортчилар билан улкан қайрингиз олдидан учрашмоқдамиз. Бу бежиз эмас. Чунки, эл-юртимиз шаъни, Ватан обрўйи яна бир бор синовдан ўтадиган пайтда бутун мамлакатимиз аҳли сизларга катта умид ва ишонч билан қарамоқда.

Ҳар бир миллат, ҳар бир халқ ўз насл-насабини, келажак авлодини асраб-авайлаб, унинг қадрини билса, ундай миллатнинг, ундай давлатнинг келажаги буюк бўлиши муқаррар. Зотан, ҳар қандай миллатнинг равнақи, умумбашарият тарихида тутган ўрни, мавқеи ва шуҳрати бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуклигига боғлиқдир. Чунки сизнинг қиёфангизда бутун миллат ва мамлакат ғурури, келажаги, унинг буюк истиқболини кўрамиз.

Мен бугун сизлар билан нафақат Президент сифатида, балки муқаддас анъаналарга, бой тарихга, беқиёс маънавий қудратга эга бўлган халқимизнинг мўътабар Ўзбекистон заминида яшаётган ва ҳаётнинг машаққатли синовларини кўрган катта авлод вакили сифатида учрашаяпман. Бугун халқимизнинг эътибори ҳақли равишда сиз азиз фарзандларимизга қаратилган.

Мен ҳаммангизни ишонтириб айтмоқчиман.

Сизларнинг Атлантага сафарингиз, олимпия ўйинларида иштирок этишингиз ўзи кифоя. Шунинг ўзиёқ ҳар бир ўзбекистонлик учун катта фахр ва ифтихордир.

Нега деганда, сизлар биринчи марта бундай йирик халқаро спорт беллашувларида, ёш, мустақил, кучга кираётган Ўзбекистон давлати номидан иштирок этяпсизлар. Жаҳоннинг энг кучли, ман-ман деган спортчилари билан майдонга тушяапсизлар.

Шунинг учун ҳам сизлардан биринчи ва асосий илтимосим: қандай гўзал ва бетакрор Ватан, қандай мард ва танти халқ, эл-юрт номидан беллашув майдонига чиқаётганингизни ҳеч қачон, ҳар қандай пайтда унутмасангиз бўлди.

Иккинчидан, сиз қадрли ўғил-қизларимизга, айтадиган гапим шуки, биз ҳаммамиз, бутун эл-юртимиз, катта-ю кичик, кексаю ёш катта ҳаяжон, катта орзу-умид билан доим ортингизда бўламиз.

Беллашаётган вақтингизда, энг оғир, энг мураккаб чоғда, сизга куч ва ирода бағишлаб, мардлик ва шижоатга чорловчи муқаддас заминимиз, не-не полвонлару, афсонавий паҳлавонлар юрти-файзи ва улуғ боболаримиз пок руҳи мадад беражак, иншоолоҳ. Зотан, она халқ меҳр-муҳаббатидек қудратли куч, илоҳий қудрат оламда йўқ!

Яна бир нарсани алоҳида айтмасам, кўпчилик ишончини, юрагимизнинг туб-тубидан жой олган орзу-умидимизни билдирмасам бўлмайди, албатта: агар АҚШ заминида бирон бир марта Ўзбекистон байроғи баланд кўтарилса, узоқ Америкада Ўзбекистон мадҳияси янграса, билиб қўйинг: бутун халқимиз сиз билан бирга ғалаба нашидасини суради. Бутун аждодларимиз руҳи ҳам сиздан шод бўлажак!

Сизларга улкан сафар олдидан бутун халқимиз номидан оқ йўл тилар эканман, сафарингиз бехатар бўлсин, елкангиз ер кўрмасин, улуғ Ватанимиз ва буюк халқимиз бахтига соғ-саломат бўлинглар, дейман.

Эл-юртингизга, ота-она бағрига соғ-саломат, ёруғ юз билан қайтишингизга тилакдошман.

Вилоят ҳокимлигида

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНАДИЛАР

БУ ЙИЛ вилоятимиз далаларида бошоқли дон экинларидан мўл ҳосил етиштирилди. Айни кунларда барча туман ва хўжаликларда етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмай қисқа муддатда ўриб-йиғиб олиш учун қизғин кураш боряпти. Вилоят ҳокимлиги ва вилоят касаба уюшмалари Кенгаши мавсумда етиштирилган ғалла ҳосилини йиғиштириб олишда алоҳида ўрнак кўрсатган туман, хўжалик ва комбайнчиларни рағбатлантириш мақсадида қўшма қарор қабул қилди.

Мана шу қарорга мувофиқ ҳосилни ўз вақтида йиғиб олган, давлат буюртмасини бажариш ва эркин нархда сотиш, уруғлик ғалла тайёрлаш, давлат омборлари ҳамда захираларига дон топшириш бўйича режа кўрсаткичларини биринчи бўлиб якунлаган туман ва хўжаликлар ғолиб деб топилади. Шунингдек қарорда энг кўп ғалла майдонларидаги ҳосилни ўриб-йиғиб олган комбайнчилар ҳам рағбатлантирилиши қайд этилган.

Вилоят туманлари ўртасида ғолиблар учун учта мукофотли ўринлар белгиланган. Ана шунга мувофиқ:

I ўрин учун — 150 минг сўм
II ўрин учун — 100 минг сўм
III ўрин учун — 50 минг сўм миқдорида мукофот белгиланди. Бу маблағ вилоят ҳокимлиги томонидан ажратилди.

Ғолиб хўжаликларни рағбатлантириш учун ҳам учта мукофотли ўринлар белгиланди. Ана шунга мувофиқ:

I ўрин учун — 50 минг сўм
II ўрин учун — 30 минг сўм
III ўрин учун — 20 минг сўм мукофот пули белгиланди. Бу маблағ вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ва деҳқончилик саноат ходимлари касаба уюшмалари қўмитаси томонидан ажратилди.

Вилоятнинг ҳар бир туманида энг кўп миқдорда ғалла ўриб — йиғиб олган биттадан илғор комбайнчилар «1996 йилнинг ғолиб комбайнчиси» деб топилиб улар касаба уюшмалари кенгаши томонидан санаторийларга бепул йўлланма билан тақдирланадилар.

Қарорда туман ҳокимликлари ва деҳқончилик саноати ходимлари касаба уюшмалари туман қўмиталарига жойларда ғалла ўрим-йиғимини уюшқоқлик билан ўтказиш ва якунлашда юқори кўрсаткичларга эришган хўжаликларни рағбатлантиришни ташкил этиш тавсия этилди.

Ўйлаймизки, ғаллакорларимизни рағбатлантиришга қаратилган ушбу қарор жойларда муносиб кутиб олинади ва ғалла ўрим-йиғимини уюшқоқлик билан якунлашда ўз таъсирини кўрсатади. «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари эса бундан буён ҳам илғорларнинг ишларини, тажрибаларини кенг ёритиб боради.

ФАКТ ВА ШАРҲ

АҲОЛИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ — ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШИ

Омонатга қўйилган пуллар ва суғурта бадаллари индексация қилиниб, аҳолига берила бошланди

Ҳаёти давомида жамғарма банкига иши тушмаган одам бўлмаса керак. Кимдир йиққан даромадини маълум муддатга сақлаш учун банкка қўнди. Бошқа биров яхши бир ниятни кўнглига тугиб, маблағини кўпайтира боради.

Омади гапни айтганда, бундан давлат ҳам манфаат кўради, жамғарма банкига пул қўйган фуқаролар ҳам.

Сўнгги беш йил ичида ижтимоий ҳаётимизда оламшумул воқеалар содир бўлди. Мустақил давлат сифатида ўз эркимизга ўзимиз эга бўлдик. Мутлақо янгича турмуш тарзини тақозо этувчи бозор иқтисодиётига қадам қўйдик. *Аммо ҳаёт бир текис давом этмайди.*

Миллий валютамиз муомалага киритилгунига қадар рублнинг қадри кескин туша бошлади, нархнаво ўзгарди. Ана шундай ўзгаришлар аҳолининг жамғарма банкларига қўйилган пулларига ҳам таъсир этмай қолмади, албатта. Давлат жамғарма банкларида сақланаётган пул маблағлари, суғурта учун тўланган бадаллар ўз кучи ва қадрини йўқотган эди. Бу, одамлар руҳиятига маълум даражада таъсир кўрсатгани сир эмас.

Бироқ Ўзбекистоннинг халқ сайлаган биринчи Президенти истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни давлат сиёсатида асосий йўналиш деб билди. *Давлатимиз мустаҳкамлана боргани сари бу халқпарвар сиёсат янада кучайиб, тобора аниқ қиёфа касб эта борди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида»ги Фармони ана шундай инсонпарвар сиёсатнинг ёрқин исботи бўлди. Фармонга биноан 1992 йилнинг 1 январига қадар жамғарма банкига пул қўйган миллионлаб фуқароларнинг маблағлари яна қадр топди.*

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ***мустақилликнинг биринчи кунидан бошлаб ҳукуматимиз ижтимоий ҳаётни яхшилашга қаратилган ҳар бир чора-тадбирни ўз вақтида изчил амалга ошириб, халқ олдида берган ваъдасини қатъий равишда бажариб келмоқда.*** *Индексацияланган пул маблағларининг 1 июлдан фуқароларга қайтарила бошлангани ҳам ушбу инсонпарвар сиёсатнинг ёрқин намунасидир.*

Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг раиси Нуриддин ***МУҲИТДИНОВ*** *ва Ўзбекистон Республикаси Давлат суғурта бош бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Семён* ***ВАЛЬДМАН*** *билан суҳбатимиз айни шу Фармоннинг ҳаётга жорий этилиши ҳақида бўлди.*

Н. МУҲИТДИНОВ — Президентимиз И. Каримов раҳбарлигида давлатимиз томонидан жамият аъзоларининг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини ҳар томонлама таъминлайдиган инсонпарвар демократик жамият қуриш дастури ишлаб чиқилди. Бозор иқтисодиёти талабларига асосланган мазкур дастурда аҳолиги ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш алоҳида ўрин тутади. Шу борада Президентимизнинг 1995 йил 20 декабрдаги «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида»ги **Фармонининг тарихий аҳамиятини** ҳар қанча таърифласак оз. Фармон асосида Вазирлар Маҳкамаси махсус қарор қабул қилди. Мазкур Фармон ва қарор ватанимизда яшаётган биронта кексаю ёшни бефарқ қолдирмади. Ўша кезлар одамларнинг оғзидан «Давлат омонатдаги ва суғурта пулларини қайтарар эмиш!» деган гап тушмади.

Бу — шунчаки айтилган оддий сўзлар эмас! Бу сўзлар замирида давлатга бўлган ишончнинг мустаҳкамланиши, эътиқоднинг тобланиши ётибди. Президентимизнинг Фармони 5 миллиондан зиёд омонатчиларгагина эмас, уларнинг оила аъзоларига, демак, бутун республикамиз аҳолисига кўрсатилган адолатли ва ғамхўр сиёсатнинг амалда қарор топишидан далолат берувчи тарихий хужжат бўлди.

С. ВАЛЬДМАН — Ушбу Фармон, биринчидан, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги давлатимиз олиб бораётган сиёсатнинг амалий кўринишидир. Иккинчидан, **бундай сиёсат аҳолининг ўз жамғармаларини банкларда сақлашга, қимматбаҳо қоғозларга ва суғурта ташкилотларига бўлган ишончини оширади.**

МУХБИР — Фармон ва қарор эълон қилинган кунларданоқ одамлар қайфиятида кўтаринки руҳ пайдо бўлди. Миннатдорчилик туйғулари ифода этилди. Шу билан бирга омонатдаги ёки суғурта пулларининг қайтарилишига ишонмаганлар ҳам учради.

Н. МУҲИТДИНОВ — Ҳар қандай давлатнинг гуркираб ривожланиши учун энг аввало, фуқаро давлат раҳбариятига, ҳукуматига ишонмоғи шарт. Бусиз жамиятнинг ривожланиши қийин. Президентимиз кўп бора таъкидлаганидек, халқ йўқчилик ва етишмовчиликка чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди. Бевосита саволларингизга келсак, айрим кишиларда ишончсизлик, шубҳа кайфияти учраганини тушуниш мумкин. Бунинг сабаби бор.

Собиқ Иттифоқ даврида ҳатто кўлами жиҳатидан кичик тадбирларни амалга ошириш имкониятлари ҳам чекланган эди. **На ўша тузумда, на МДҲ давлатларида аҳолининг омонатга қўйилган пуллари кейинги қадрсизланиш йилларида ўз эгаларига қайтарилмади. Аҳолининг манфаатларини ҳимоялайдиган бундай қарорлар бошқа бирорта МДҲ давлатларида қабул қилинмаганди. Баъзан бу соҳада ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ва қабул қилинган қарорлар ҳам қоғозда қолиб кетди.**

Ўзбекистон шароитида раҳбариятимиз томонидан ҳар томонлама тарозига солиб кўрилган, хўжакўрсинга эмас, балки аҳоли манфаатларига мос келадиган, ҳақиқатан ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоялайдиган қарор қабул қилинди.

Бундай тадбир биринчи бўлиб мустақиллик йўлидаги Ўзбекистонда амалга ошди! Бунга ўзимиз белгилаган тараққиёт дастуримиз борлиги, Ўзбекистоннинг ўз сиёсати, ўз қонунчилиги ва ўз йўли борлиги туфайли эришилди. Омонат пуллари ва суғурта бадалларининг эгаларига қайтариб берила бошлангани тўғридан-тўғри мустақиллик шарофати бўлди.

МУХБИР — Фармон ва қарорда белгилаб берилган вазифалар, табиий, катта ҳажмдаги ташкилий ишларни амалга ошириши тақозо этар эди. Шу борада қандай тайёргарликлар кўрилди?

Н. МУҲИТДИНОВ — Очиғини айтганда, ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий маънода жиддий аҳамиятга эга бўлган тадбирни юксак савияда ташкил этиш зиммамизга катта масъулият юклади. Аҳолининг омонатлари бўйича пул маблағларини индексация қилиш ва тўловларни амалга ошириш ишларини тартибли ташкил қилиш мақсадида республика комиссияси ташкил этилди, вилоят, шаҳар ва туман комиссиялари тузилди. Аҳоли ўртасида кенг кўламда ва мунтазам равишда тушунтириш ишлари олиб борилди. Бунда барча оммавий ахборот воситалари имкониятидан фойдаланилди, ташкилотларда, маҳаллаларда учрашувлар ўтказилди. «Индексация» ҳисобларини очиш асносида юзага келган муаммолар комиссия томонидан ўз вақтида кўриб чиқилиб, тезкорлик билан тегишли қарорлар қабул қилинди. Омонатчиларга барча қулайликларни яратиш мақсадида Халқ банки бўлимларида иш вақти узайтирилиб, қўшимча иш жойлари ташкил қилинди. Банкларимиз ҳам олиш кунларида ҳам аҳолини қабул қилдилар. Шунингдек, республика Вазирлар Маҳкамасида, Молия вазирлигида, Марказий банк, Халқ банкида фуқаролар саволларига жавоб бериш учун телефонлар ажратилди. Барча вилоят ва туманларда ҳам айни шу тажриба қўлланди.

С. ВАЛЬДМАН — Давлат суғурта муассасаларида ҳам барча кучқувват ушбу тадбирга қаратилди. Жумладан, жойларда тушунтириш ишлари ташкил этилди. Суғурта муассасаларида дам олиш кунлари ва иш вақтидан кейин аҳолига маслаҳат берувчи кенгашлар доимий равишда ишлади. Ҳаёт суғуртаси, болалар ва никоҳ кунида бериладиган суғурта шартномалари бўйича индексация қилиниши лозим бўлган шартномалар рўйхатдан ўтказилди.

Барча суғурта шартномалари бўйича шахсий ҳисоб варақаларига 1992 йил 1 январига қадар тўланган бадалга индексация пули ҳисоблаб чиқилди ва 10 апрелга қадар рўйхатлар Халқ банки бўлимларига топширилди.

(Давоми 2-бетда).

«Тошкент ҳақиқати»нинг байрамолди йўқламаси

1991 1 СЕНТЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ 1996

Ўзбекистонимизнинг энг катта ва қутлуғ байрами — республикамиз мустақилликка эришганлигининг беш йиллик тантаналари якинлашиб келмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги каби пойтахт вилоятимизда ҳам бу санани муносиб нишонлаш учун меҳнат кўтаринкилиги кун сайин, соат сайин авж олмоқда. Таҳририятимиз истиқлолимизнинг беш йиллиги олдидан вилоятимиз шаҳарлари ва туманларида улуғ айёмга тайёргарликнинг бориши, мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, иқтисодий-ижтимоий тараққиётда эгаллаётган янги марраларга бағишланган туркум материаллар беришни режалаштирди. Ушбу саҳифада йирик саноат маркази-Ангреннинг кейинги беш йилдаги ривожланиши, унинг корхоналари-ташкилотлари жамоаларининг фаолиятлари ҳақида ҳикоя қилинади.

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Т. АНОРБОЕВ, АНГРЕН ШАҲАР ҲОКИМИ

ШАҲРИМИЗ кўчалари, майдонларини ҳар куни бўлмаса ҳам, ҳафтада ками билан бир марта айланишни хуш кўраман. Ҳар гал қандайдир янгилик, ўзгаришлар кўзга ташланади. Ҳа, унинг қиёфаси тез ўзгариб бормоқда. Майдонлари ва кўчаларида саранжом-сариталик ҳукм сурмоқда. Ўзи эса бамисоли катта кўкаламзор боғни эслатади.

Кўчаларимизнинг икки томонида, айниқса, бекатларда қад кўтарган, қайтадан қурилган ва қурилаётган бинолардан миллий меъморчилик анъаналари баралла уфуриб туради. Эндиликда катта-катта бинолар, ишлаб чиқариш иншоотларини барпо этишда ҳам унга амал қилинмоқда. Маҳаллаларимиз гузарлари обод бўлиб, миллий қиёфа касб этмоқда.

Ҳозирги шаҳримиз худуди кўплаб тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлган. У неча бор букилган қаддини қайта тиклаган. Бундан минг йиллаб илгари бу ерда кончилик, темирчилик юксак даражада ривожланган. Оҳангарон сўзи ҳам темирчилик иши деган маънони билдиради. Шаҳарда истиқомат қилувчи ҳозирги авлод кишилари ҳам ўтмишдошларимизнинг шу ишларини давом эттирмоқдалар.

Бугунги Ангрен йирик саноат маркази ҳисобланади. Унинг ишлаб чиқариш салоҳияти республикамиз мустақилликка эришганидан кейин ўзининг янги-янги қирраларини намоён эта бошлади. Дарҳақиқат, бугунги кунда Ангрен мустақил давлатимизнинг катта бир энергетика базасига айланди. Куни кеча шаҳримиз ташкил этилганлигининг ярим асрлик тўйини нишонлаганимизда шаҳар, унинг меҳнатсевар аҳолиси босиб ўтган йўл мазмунини, Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганининг беш йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган оммавий ватанпарварлик ҳаракатининг боришини сарҳисоб қилиб кўрдик. Шаҳримизда фақат республикамизда эмас, ҳатто Ўрта Осиё давлатлари ичида ҳам алоҳида нуфузга эга бўлган йирик корхоналар ишлаб турипти. Ангрен саноати қиёфасини ўшалар белгилайди. Биринчи навбатда кўмир конларини тилга олиш мумкин. Бу қимматли қазилма бойлиги негизида энергетиканинг бошқа тармоқлари ҳам барпо этилган. Ангрен ва Янги Ангрен давлат иссиқлик электр станциялари, кўмирни ер остида газга айлантириб, нурхонага узатиб берадиган корхона шулар жумласидандир.

«Ўзбексаноатқалинқоғозсавдо» ҳиссадорлик жамияти, олтин қазиб чиқариш корхонаси, «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа ўнлаб корхоналар ҳам ноёб ҳисобланади. Айримлари мустақиллик йилларида, оғир иқтисодий қийинчиликлар бўлишига қарамай, тўла фойдаланишга топширилди, янги-янги ишлаб чиқариш бўлинмалари барпо этиб, халқ хўжалиги учун зарур бўлган маҳсулотни тайёрлашни ўзлаштирдилар. Уларда бугунги давр талабига мос ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Бунда авваламбор ҳорижий мамлакатлар билан ўрнатилаётган ўзаро иқтисодий ҳамкорлик асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Шаҳарнинг иқтисодий салоҳиятини оширишда биз алоҳида эътибор бераётган масала ички имкониятларни ишга солиш, улардан оқилона фойдаланишдир. Кўмир корхоналарини қайта қуриш, уларнинг жилла қурмаганда илгариги ишлаб чиқариш қувватларини тиклашга эришиш муҳимдир. Бундан ташқари, каолинни қайта ишлаш ва уни саралаш фабрикасини қуриш ишлари давом этмоқда. Бу ишларни амалга оширишга чет эл сармоядорлари ҳам жалб этиляпти. Жорий йилнинг дастлабки чорагида маҳаллий хом ашё — буғдой ва ғўза поясидан целлюлоза ҳамда мебеллар учун толали плиталар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Автомобиллар учун «Чоткол БК» аккумляторлари тайёрланаяпти. Кулолчилик комбинати мавқеини тиклаш, маҳсулот тури ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш масалалари чет эл ишбилармонларини жалб этиб ҳал қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг қатор маърузалари ва нутқларида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш унинг иккинчи босқичини муваффақиятли амалга ошириш юзасидан қўйган вазифалари, ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилишни ҳар томонлама кучайтириш лозимлиги ҳақидаги кўрсатмалар фаолиятимизнинг амалий дастури, мезони бўлиб келди. Шу йўлда кўпгина ишлар қилинди, ҳали олдинда катта вазифалар ҳам турипти.

Шу вақтгача давлат мулкини тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштириш, уни ҳақиқий соҳиблари қўлига топшириш бўйича ишлар самараси дуруст бўлди. Шаҳримизда турли мулк шакллари юзага келаяпти. Давлат мулки ҳажми камайиб, жамоа ва хусусий мулк салмоғи ортиб бормоқда. Биргина кейинги уч йил давомида 33 та корхона ҳиссадорлик жамиятларига айланди ва уларнинг аксарияти жамоа мулки бўлиб қолди. Улар чиқарган акцияларнинг кўп қисми жамоалар қўлида қолди, четга ҳам сотилди. Шу билан бирга 400 га яқин кичик ва хусусий корхона ва фирмалар ишлаб турипти, уларнинг кўпчилиги аҳоли эҳтиёжи учун турли кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаряпти, хизматлар кўрсатмоқда. Хусусий мулк бўлиб қолган корхоналар сони эса элликтадан ҳам ошиб кетди. 170 тадан ортиқ корхона монополиядан чиқарилиб, алоҳида ишлаб чиқаришлар бўлиб қолди.

Республикамиз мустақиллигининг беш йиллик айёми арафасида ангренликларнинг турмуш шароитларини яхшилашга ёрдам берувчи бир муҳим муаммо ҳал қилинмоқда. У ҳам бўлса шаҳарни табиий газ билан таъминлашдир. Бу масаланинг яқин вақт ичида ижобий ҳал қилинишига умидвормиз. Айни вақтда шаҳар ҳудудида фойдаланилмай ётган ер майдонлари ўрнида истироҳат ва дам олиш масканлари, мевазор боғлар, дарахтзорлар ташкил этиш бўйича белгиланган режалар ҳам амалга оширилмоқда. Бу Ангрен кўркига янада кўрк қўшади.

Шаҳримиз йил сайин кенгайиб, унда истиқомат қилувчилар сони ортиб бормоқда. Ҳозир аҳолиси 130 минг кишидан ошиб кетган. Мустақиллик йилларида халқ таълими, тиббиёт, спорт, маданий-маиший ва бошқа соҳалар жадал ривожлантириляпти. Уларда ҳам ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Умуман Ангрен фақат йирик саноат маркази бўлиб қолмай, айни вақтда ўзига хос маданият ва маърифат шаҳри ҳамдир. М. Қошғарий номидаги педагогика институти, техника коллежи, политехникум, тиббиёт, педагогика ва ҳунар-техника билим юртлари, техникумлар ишлаб турипти. Иқтидорли ўқувчилар эса махсус лицейда чуқурлаштирилган дастурлар асосида ўқитилмоқда. 37 та ўрта мактаб, 50 та болалар боғчаларида ёш ангренликлар билим асосларини ўрганмоқдалар, тарбияланмоқдалар.

Ангренликлар республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, иқтисодиётини юксалтиришга қаратилган умумхалқ қурашида фаол қатнашмоқдалар. Бунинг учун биринчи навбатда саноатни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Шунга эришмасак олдимизда турган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиб бўлмайди. Ҳар бир меҳнаткаш шу мақсадни қалбига мустаҳкам жо қилиб яшаяпти, меҳнат қилмоқда.

Ангрен кўмир кони конвейер машинисти Валентина Мартинова, кон директори ўринбосари Анатолий Анкудинов ва ҳайдовчи Абдушукур Мирзаевларни кўриб турибсиз.

ЖАМОА

Ш. ОСМОНОВ, «САНОАТҚАЛИНҚОҒОЗСАВДО» ҳиссадорлик жамияти раиси

КОРХОНАМИЗ бунёд этилишининг асосий ва салмоқли босқичлари республикамиз мустақиллиққа эришган вақтдан кейинги йилларга тўғри келади. Унинг биринчи мажмуи 1988 йилда ишга туширилган бўлса, иккинчи ва учинчи мажмуалари озодлигимизнинг дастлабки йилида барпо этилди. Шунинг учун уни мустақиллигимиз меваси деб айтиш учун барча асос бор.

Ўзбекистон ва қатор қўшни республикаларни картон идишлар билан таъминлаш мақсадида барпо этилган корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари ва уларнинг ҳажми тўхтовсиз ортиб борди. Ҳозир жамоамиз буюртмачиларга ўн хилдан ортиқ маҳсулотларни, шу жумладан қатор халқ истеъмоли молларини етказиб бермоқда. Бозор талабини ўрганиб, харидоргир буюмларнинг янгиларини тайёрлашдан иборат иқтисодий йўлни бундан буён ҳам сусайтирмаймиз.

КОРХОНА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жамоамиз корхонанинг асосий соҳиби бўлиб қолиши учун қулай имкониятларни вужудга келтирди. Биз бу жараёнда шошилмадик. Юқори ташкилотлар кўрсатмалари, мутахассис олимлар маслаҳатлари, жамоамиз фикр-мулоҳазаларини обдон ўргандик. Ҳамма билан келишган ҳолда мулкни, яъни заводга эгалик қилишнинг очиқ турдаги ҳиссадорлик усулини танладик.

Шунга ҳам икки йил бўлиб қолди. Ҳиссадорлик жамиятига қарашли мулкнинг 70 фоизи жамоамиз ихтиёрига ўтди, 30 фоизи эса давлатда, яъни, «Ўзбекмебел» давлат акциядорлик бирлашмасида қолди. Ўзимизга қарашли мулкнинг сал кам тўртдан бир қисми сотиш учун мўлжалланди. Бунинг учун акциялар чиқардик. Унинг ҳар бири номинал қиймати 100 сўмлик қилиб белгиланди. Барча акциялар тўла сотиб бўлинди. Анчагина қисми меҳнат жамоаси аъзолари ўртасида бепул тарқатилди.

Акцияларимизни сотиб олганлар ютказишмади. Унинг ҳисобига қўшимча даромад манбаига эга бўлдилар. Биринчи йили, яъни 1994 йилда ҳар бир акция учун эллик бир сўмдан дивиденд тўланди. Акциялар сони 10 минг 825 та бўлгани ҳолда умумий дивиденд ҳажми 551 минг сўмни ташкил этди. Ўтган йилнинг биринчи ярмида деярли уч миллион сўм дивиденд олинди. Ҳар бир акция учун олтмиш беш сўмдан ортиқроқ дивиденд тўланди. Бу вақтга келиб акциялар сони 46 мингтага яқинлашиб қолган эди. Ўтган йилнинг учинчи чорагида олинган дивиденд 4 миллион 132,5 минг сўмни ташкил этди ва ҳар бир акцияга 27 сўмдан тўланди. Кейинги чораклларда ҳам дивидентлар мунтазам тўлаб борилмоқда.

Айни вақтда ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилишга ҳам катта аҳамият билан қаралмоқда. Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида жамоани, айниқса малакали мутахассислар ва ходимларни тўла сақлаб қолишга муайян даражада шу йўл билан эришиш мумкин. Ҳар йили шу мақсадлар учун миллион-миллион сўмлаб маблағ сарфланмоқда.

Корхонамизда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар сони бир ярим минг кишига яқинлашиб қолди. Уларнинг маошлари мунтазам ошириб бориляпти. Ўрта иш ҳақи икки минг икки юз сўмдан юқори бўлмоқда. Ҳар байрамларда озиқ-овқат маҳсулотлари бепул берилмоқда. Иссиқхонамизда етиштирилаётган помидор, лимон, хилма-хил кўкатлар ишчи-хизматчилар дастурхонини безамоқда.

Жажжи фарзандлар ташвишини ҳам корхона ўз зиммасига олган. Бунинг учун боғчада етарли ўрин бор. Бир йўла 60 киши дам оладиган санаторий-профилакторий ишлаб турипти. Тўғонбоши ҳудудидаги пансионатда икки кунлик дам олиш уюштириляпти. Бир йилдан бери ишчиларга ҳар куни 20 сўм тушлик овқат пули бериляпти. Оталиғимиздаги иккита мактаб ўқитувчиларига қўшимча ёрдам пули ажратилмоқда. Корхонамизда уй-жой муаммоси тўла ҳал қилинган.

СОҲИБИ

Бу йил ишлаб чиқариш суръатини сақлаб қолишгина эмас, балки бирмунча тезлаштиришни мақсад қилиб қўйганмиз. Унга эришиш учун барча омилларни ишга соламиз. Бу жамоамизнинг республикамиз мустақиллигининг беш йиллигига муносиб совғаси бўлади.

«ҚОРА ОЛТИН» КАРВОНЛАРИ

Ю. КРИВЕНКО, очиқ кўмир кони бош муҳандиси

ШАҲРИМИЗ номи тилга олинганида, аввало унинг бағридаги кўмир конлари кўз олдингизга келади. Бу бежиз эмас, албатта. Ҳақиқатдан ҳам Ангреннинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва ҳозирги гўзал қиёфани касб этиб, йирик саноат марказига айланиши бу ерда топилган кўмир конлари билан боғлиқ. Ҳозирги вақтда шаҳарда қатор «қора олтин» корхоналари ишлаб турипти. Улар орасида бизнинг очиқ кўмир конимиз ўзининг мавқеи, йириклиги билан алоҳида ажралиб туради.

Шу кунларда юзларча метр чуқурликдаги катта бир ховузни эслатувчи коннинг турли паст-баландликларида жойлашган «қора олтин» қатламлари қазиб олинмоқда. Энг муҳими кўл кучи тамомила ишлатилмайди. Ҳамма технологик жараёнлар қудратли кончилик машина-механизмлари зиммасига юкланган. Замонавий экскаваторлар, бульдозерлар, тракторлар, бурғилаш мосламалари, кўп юк кўтарадиган автомашиналар, темир йўлларда қатнаётган электровозу тепловозлар ва бошқа техника воситалари шахтёрлар хизматида.

Бизнинг конимиз Ўрта Осиёда очиқ усулда кўмир қазиб чиқарилувчи энг йирик корхона ҳисобланади. Бир вақтлар йилига тўрт-беш миллион тонналаб саноат «ноні»ни етказиб турган жамоанинг ҳозирги авлоди ҳам енг шимариб меҳнат қилмоқда. Ҳар йили катта ҳажмдаги кон устини очиш ишларини амалга ошириб бермоқда, тобора чуқурлашиб бораётган кўмир қатламларини, геологик шароитлари мураккаб бўлишига қарамай, қазиб олмоқда. Ҳар куни конимиздан кўмир ортилган эшелонлар буюртмачилар манзилларига томон йўл олмоқда.

Кўмирнинг асосий қисми энергетика корхоналарига етказиб берилмоқда. Деярли 80 фоизни иссиқлик нурхоналари, асосан Янги Ангрен ва Ангрен давлат иссиқлик электр станциялари ишлатмоқда. Айни вақтда собиқ иттифоқчи республикалар ҳам ҳамон мижозларимиз бўлиб қолишяпти. Чунончи, Қозоғистон, Тожикистон давлатларига икки ўртада тузилган шартнома асосида ёқилғи жўнатилиб турилипти,муайян қисми аҳолига сотилмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги шароитда ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланишга эришиш билан шуғулланиш зарурат бўлиб қолди. Шуни ҳисобга олиб кўмир қазиб чиқариш жараёнида у билан бирга чиқадиган каолин лойидан фойдаланиш йўлларини қидиришга киришиб ютказмадик.

Ҳар йили каолин юз минг тонналаб қазиб олинар, аммо унинг кўп қисми бекорга ташлаб юборилларди. Арзимаган миқдордагиси қайта ишланиб, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда фойдаланиларди. Биз бутун бир корхона барпо этишга киришдик. Орадан кўп ўтмай каолинни қайта ишлайдиган фабрика ишга туширилди. У фақатгина шу йилнинг биринчи беш ойида 350 минг тонна каолин лойини қайта ишлади. Шу ернинг ўзида ундан кулолчилик буюмлари таёрлаш ҳам ўзлаштирилди. Бу цехда янги ишчи ўринлари барпо этилди. Ҳозир юз нафарга яқин киши шу ерда ишламоқда.

Ҳозирги иқтисодий шароитларда тўловлар мураккаб муаммо бўлиб қолганлигига қарамай ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга ҳам ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, Санкт-Петербургдаги «Ижора-Кортекс» ишлаб чиқариш бирлашмасидан янги экскаваторлар олинди. Красноярскдаги оғир машинасозлик заводи жамоаси билан ўзаро ҳамкорлик ҳақида шартнома тузганмиз. Икки томон ҳам унга қатъий амал қилмоқда. Машинасозлар бизга турли-туман кончилик асбоб-ускуналари ва уларга эҳтиёт қисмлар етказиб беришяпти.

Меҳнат жамоамиз республикамиз мустақиллигининг беш йиллигини муносиб нишонлаш учун ҳиммат камарини маҳкам боғлаб ишламоқда. Барча бўлинмаларда яратувчилик меҳнати авж оляпти. Унда фаол қатнашаётган ишчи-хизматчиларнинг кўпчилиги фидокорона ишламоқдалар. В. Крюков, С. Маматов, Е. Иваснбев, Ф. Шокиров. К. Абдулқосимов, Н. Соловьёв, Ю. Абороров ва бошқа ўнлаб, юзлаб шахтёрларимиз ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг яхшиланишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Кончилар республикамизнинг иқтисодий қудратини оширишга муносиб ҳисса қўшиш учун кўмир қазиб чиқаришни кўпайтиришни давом эттирадилар. «Қора олтин» карвонларининг кети узилмайди...



● «Туркистон» номли хусусий мармар корхонасининг арраловчиси Александр Губер ўз касбининг фидойиларидан ҳисобланади.

***

● Ангрен қоғоз фабрикасида келажакда сиз суратда кўриб турганингиздек хилма-хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш мўлжалланган.

Материалларни «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари Мирсобир Мирҳамидов, Даврон Аҳмад ва «Ангрен ҳақиқати» муҳаррирининг ўринбосари Мунаввара Ражаббой қизи тайёрладилар.

АҲОЛИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ — ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Н. МУҲИТДИНОВ — Тадбирнинг тайёргарлик босқичида 1992 йилнинг 1 январига қадар омонатга қўйилган ва 1996 йил 1 январигача сақланган жамғарма банки дафтарчалари рўйхатдан ўтказилди. Ҳар бир дафтарча эгаси номига махсус «индексация» ҳисоби ҳамда янги омонат дафтарчаси очилди. Суғурта идораси хабарномаси билан келган фуқаролар учун ҳам шундай дафтарчалар берилди.

Шу ўринда газетхонларимиз эски дафтарчадаги пул миқдори тўрт минг ҳисса кўпайтириб янги дафтарчага қайд этилганига алоҳида аҳамият беришларини истар эдим. Бунда рублнинг кескин қадрсизлангани ҳисобга олинди. Мисол тариқасида айтсак, минг рубль пули бир сўмга айланиб тарвузи қўлтиғидан тушган ва умидсизликка берилган одам бугун «4000 сўм» рақами ёзилган дафтарчани қўлига олса, нечоғли руҳланишини кўз олдимизга келтирайлик! Қўлига янги дафтарча теккан миллионлаб фуқаронинг кувончи ва миннатдорлигини тасаввур қилайлик!

С. ВАЛЬДМАН — Республика бўйича 425000 та суғурта шартномаси асосида индексация пулига хабарнома ёзиб берилди ва шу асосда Халқ банкида суғуртачиларга янги дафтарчалар очилди.

Н. МУҲИТДИНОВ — Республика бўйича жами 35 миллиард сўмлик индексация ҳисоблари очилди! Бу рақам Ватанимизнинг моддий қуввати юксала бораётганини, янада улкан иқтисодий дастурларни амалга ошириш сари ривожланиб, оёқда мустаҳкам туриб олаётганини кўрсатади!

МУХБИР — Суҳбатимиздан кўринадики, 1996 йилнинг 1 июли Ватанимиз мустақиллигининг мустаҳкамланиши йўлида ўзига хос унутилмас сана бўлиб қолади, десак янглишмаймиз.

Н. МУҲИТДИНОВ — Худди шундай! Такрор айтамиз: Индексация дафтарчасига эга бўлган фуқаролар 1 июлдан эътиборан истаган вақтда ва белгиланган тартибда тегишли ҳақларини ола бошладилар. **Дастлабки 3 кун ичида ҳеч қандай муаммосиз, тартибли равишда 150 мингдан кўпроқ омонат дафтарча эгаларига 255 миллион сўм пул тўланди. Омонатчиларнинг бир қисми индексация пулларини олиб бошқа омонат турларига расмийлаштираяптилар. Индексация пулини тўлаш бундан кейин ҳам юқори савияда, уюшқоқлик билан давом этади. Ҳеч қандай шубҳа-гумонга, миш-мишларга асос йўқ. Пул етарли, Халқ банкининг барча бўлимлари зарур миқдордаги пул маблағлари билан таъминланди.**

Шундай қилиб, ўтган йилнинг охирида шахсан Президентимиз И. Каримовнинг ташаббуси ва Фармони билан бошланган улкан тарихий тадбир қатъий режалар асосида, мана ярим йилда амалга ошди. Халқ билан давлат, халқ билан Президент яқдиллиги мустаҳкам бўлган жамиятда бу каби хайрли ва қувончли ҳодисалар бардавом бўлишига шак-шубҳа йўқ!

Х. ДЎСТМУҲАМЕДОВ ёзиб олди. (ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТИМИЗДАН МИННАТДОРМИЗ!

Ҳ. ОМОНТУРДИЕВ, нафақахўр:

— Беш йил муқаддам банкка 31168 рубль қўйгандим. Собиқ Иттифоқ парчаланиб кетди, мустақил давлатимиз эндигина тетапоя бўлаётган эди. Ростини айтсам, банкдаги жамғармамдан умидимни узгандим. Мана, ҳукуматимиз менга ўхшаш миллионлаб фуқаронинг кўнглидаги армону-умидларига малҳам бўладиган иш қилди.

Халқнинг дардини тушунган ҳукуматнинг садағаси кетсанг арзийди!

Бекобод.

В. КОГАЙ, талаба:

— Ҳозирги шароитда қўлингга 2000 дан зиёд пул тегса севинчингни яширолмай қолар экансан! Бу қувончнинг бош сабабчилари — Ватанимизнинг мустақиллиги ва Президентимизнинг 1995 йил 20 декабрь Фармони!

Айни кунларда минглаб, миллионлаб юртдошларимиз мустақилликнинг амалдаги самарасини кўриб қанчалик мағрурланаётган бўлсалар, ҳукуматимиз юритаётган сиёсатдан шунчалик бошлари осмонга етмоқда!

Тошкент тумани.

Т. ЕРЁМИНА, нафақахўр:

— Индексация қилинган омонатимдан 1390 сўм пул беришди. Яна бир банкдаги ҳисобимдан 500 сўм пул олдим. Ҳукуматимиз халқ тўғрисида шунчалик қайғураётгани шахсан мени тўлқинлантириб юборди. Биз нафақахўрлар газета орқали Президентимизга ўз миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз!

Бекобод.

С. ЧУКИН, нафақахўр:

— Бундан 35 йил бурун дунёни титратган Совет Иттифоқи меҳнаткашлар не машаққатлар эвазига топган-тутган пулини сариқ чақага алмаштириб берган. Гап давлатнинг қудратида эмас, балки ҳукуматнинг ўз халқи ва меҳнаткашларининг манфаати йўлида жон қўйдираётганида! Бугун миллионлаб ўзбекистонликлар таърифига тил ожиз бўлган ғамхўрликдан бахраманд бўлиб турибдилар. Ҳиммати баланд давлатнинг келажаги порлоқ бўлади!

Олмалиқ. (ЎзА).

Ҳосил —96 *Ҳосил —96*

Ғалла мустақиллиги учун

САРАТОН ДОНИ

САРАТОННИНГ иссиғи авжига чиқяпти. «Қилт» этган шамол йўқ. Одатда енгилгина шабада эпкинида денгиздай тўлқинланадиган ғаллазорлар ҳам жим-жит. Фақат узоқ-узоқларда, дала қўйнида кемадай сузиб юрган комбайнларнинг элас-элас овозигина сукунатни бузади.

— Саратонсиз бошоқлардаги дон пишмайди, — Нуриддин Мадаминов бир дона бошоқни кафтларида эзиб, қилтиқларини пуфлаб тозалади-да, буғдойини эринмай санаб чиқди. — Нақ 52 доная, яна ҳаммаси йирик-тўқ.

Бу маълум-машҳур «Қилтиқсиз» деган нав. Агар ишлови қиёмига етса, суғориладиган ердан камида 60-70 центнердан, лалми ерда эса 30 центнергача хирмон кўтариш мумкин. Бунинг яна бир жиҳати — дунёга мағзи қаттиқлиги билан донг таратган.

... Кўк юзида офтоб нурига осилиб, арғамчи учаётган хушовоз тўрғайларнинг қўшиғи тинмайди. Дала юзида ховур жимирлайди. Хўжалик раисининг халати жиққа ҳўл бўлиб кетган. У кафтини пешонасига соябон қилиб, дала ўртасида туриб қолган комбайнга тикилар экан, хавотирланиб бригада бошлиғига қаради.

— Бир нарса бўлдиёв чамамда, бекорга тўхтаб қолмагандир?

— Бункери тўлган бўлса керак, — бригада бошлиғи Болтабек Ундаевнинг лабларига табассум югурди. — Ҳосил кўп-да, раис бува, шунинг учун комбайнлар дала четига чиқишга улгурмай, бункери буғдойга тўлиб қоляпти... — У шундай дер экан, йўлдан бурилиб, уч дона темир аравани тиркаганча дала ўртасига олиб бораётган тракторга ишора қилиб деди. — Ана, Жўрабой ҳам йўлга тушди...

Зум ўтмай комбайннинг узун, кенг новидан прицепларга шовиллаганича буғдой қуйила бошлади. Сўнг юкини бўшатиб, гуриллаганича яна ўримга киришди.

Дала билан катта хирмон ўртасида танда қўйган машина ва тракторлар тинмай ғалла ташийди. Хирмонда ҳам одамлар гавжум. Буғдой совиришади, тозалашади, қуритишади. Бу ерда хўжаликнинг бош ҳосилоти Тўлисбек Ҳолменов раҳбарлик қиляпти.

— 530 гектар майдонда ғалла етиштирдик, — дейди у. — Пахтачилик билан шуғулланадиган барча бригадалар айни пайтда дон ҳам етиштиришди. Иккита комбайн туну-кун ишлаяпти. Хўжаликда жамики транспорт техникаси бўлса, ҳаммасини ўримйиғимга сафарбар этганмиз. Ҳозирча ҳар гектар ердан 30 центнердан дон ўриб-янчиб олиняпти. Болтабек Ундаев, Қўчқор Йўлдошев бошлиқ бригадалар фақат пахтадангина эмас, ғалладан ҳам мўл ҳосил етиштириш устаси эканликларини амалда исботлашди. Нари борса, яна йигирма кунлардан сўнг ғаллани саранжомлаб бўламиз.

Болтабек Ундаев бошлиқ бригадада Оққўрғон тумани деҳқончилик саноат уюшмаси раисининг муовини Убайдулла Исроилов билан учрашиб қолдик. У «Хонқа» жамоа хўжалигида буғдой ўримининг бориши билан танишгани келган экан. Хўжаликда ўрим-йиғим суръати баландлигини таъкидлади.

— Ҳозир бутун туман аҳолиси ғалла ўрим-йиғими руҳи билан яшаяпти, десам муболаға бўлмас, — дейди у. — Тумандаги барча мутасадди ташкилотларнинг ходимлари далага — иш бораётган жойларга сафарбар қилинганлар. Улар ўрим-йиғимдан тортиб, ғаллакорларга дам олиш учун шароитлар яратиб беришгача бўлган барча ишларда ташкилотчиликни ўз қўлларига олишган. Ҳар бир хўжаликда кўчма устаханалар ташкил этилиб, улар транспорт воситалари ва комбайнларни вақтида таъмирлашлари учун эҳтиёт қисмлар билан етарли таъминландилар. Хўжаликларда мавсум олдидан ёнилғи—мойлаш материаллари заҳираси вужудга келтирилди. Қўйингчи, ҳар бир бригадада ўрим-йиғимнинг куну-тун давом этаётганини назарда тутиб, ғаллакорлар учун тўрт маҳал иссиқ овқат тащкил этилди, муваққат дала шийпонлари ташкил топди. Жамоа хўжаликларининг бошқарувлари ўрим-йиғим илгорларини рағбатлантириш мақсадида соврин учун рангли телевизорлар, магнитафонлар, пул мукофотлари қўйишган. Ғаллакорларга ун, ёғ, гуруч бериляпти. Бу ҳам бўлса, кишилар рўзғоридан кўнгиллари тўқ бўлиб, бутун имкониятларини ўрим-йиғимга қаратишлари учун имконият туғдирмоқда.

Оққўрғон тумани 8 минг гектар майдонда ғалла етиштирди. Бу ўтган йилдагига нисбатан деярли бир ярим баравар кўпдир. Сифатли парвариш қилингани сабабли барча хўжаликларда ҳам ҳосил мўл бўлди. Ҳозир ҳар гектар ердан ўртача 32-35 центнерга етказиб ҳосил олиняпти. Далаларда эса 47 та комбайн кеча-кундуз ишламоқда. Ўрим суръати кун сайин кучайиб бораётир. Ғалла ва сомондан бўшаган майдонлар пешма-пеш ҳайдалиб, кечки экин экишга тайёрлаб қўйилмоқда. Бу ерларда картошка, макка,сабзи, туруп ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари етиштирилади. Оққўрғонликларнинг аҳди — қисқа муддатларда барча ҳосилни саранжомлаб олишдан иборатдир.

Рафиқ ТУРСУНОВ.

СЎНГГИ СОАТДА: Кеча туман деҳқончилик-саноат уюшмасининг бош ҳосилоти Акбар Раимқуловдан шундай мазмунда хабар олдик: «Озод» ва «Хонқа» жамоа хўжаликлари давлатга ғалла топшириш режасини бажардилар. «Озод» хўжалиги 640 тонна, «Хонқа» хўжалиги 920 тонна дон етказиб берди. Туман хўжаликлари ғалласи ўриб олинган майдонларни пешма-пеш ҳайдаб, 30 гектар ерга картошка экдилар. Қисқа вақт ичида 500 гектар майдонга тез пишар «Венгрия» навли, 1000 гектар майдонга эса силос учун маккажўхори, шунингдек мош, дуккакли экинлар, сабзавот ҳам экилади.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

● Долзарб муаммолар «Катта еттилик» муҳокамасида. Ўзбекистоннинг умумжаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви тобора тезлашмоқда. Таклиф-мулоҳазалардан - амалий ишларга.

● Шимолий Атлантика уюшмаси ташкилоти. Унинг ҳозирги қиёфаси қандай? Тинчликнинг келажакдаги тақдири дунё халқларининг олижаноб хоҳиш-иродасига боғлиқдир.

● 3 июль куни Россия Федерациясида президентлик сайловларининг иккинчи давраси бўлди. Унда Б. Н. Ельцин ғалаба қозонди.

ЮЗМА-ЮЗ УЧРАШУВЛАРНИНГ ИЖОБИЙ САМАРАЛАРИ

ИНСОНИЯТ тараққиётининг кейинги йиллардаги босқичида иқтисодиёт муаммолари алоҳида эътиборга сазовор бўлмоқда. Чунки, башарият тақдири билан боғлиқ — иқтисодиёт, саноат қўлами, қишлоқ хўжалиги ахволи, ишчи ўринлари, ишсизлик, балоғатга етмаганлар кучидан фойдаланиш сингари муаммолар долзарб бўлиб қолмоқда.

Ўтган ҳафтада Франциянинг Лион шаҳрида бўлиб ўтган дунёдаги энг ривожланган етти давлат бошлиқларининг учрашуви ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Оврупо Иттифоқига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг олий даражадаги кенгаши доирасида Ўзбекистон Республикаси билан Оврупо Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолаш маросимида қатнашиши ҳамда юртбошимизнинг АҚШга қилган сафарига жаҳон ахборот воситалари алоҳида эътибор бердилар.

Лионда бўлган мулоқотда «катта еттилик» раҳбарлари бутун инсониятни ташвишга солаётган энг долзарб, хусусан, иқтисодий масалалар, молиявий аҳвол, ядровий хавфсизлик, халқаро ўқишган жиноятчилик, терроризм, гиёҳвандлик, ишсизлик, қарздорлик каби муаммоларни муҳокама қилдилар. Зеро, шундай бўлиши табиий эди. Чунки, дунё миқёсидаги иқтисодий вазиятни тўғри аниқлаш, халқаро молиявий турғунликни барқарорлаштириш, қатор мамлакатларда ишсизлар «армияси»нинг тобора кўпаяётганлиги ушбу масалаларни чуқур таҳлил қилишни тақозо этди. Яқин Шарқ минтақасида тинчлик ўрнатиш жараёнини давом эттириш, атроф-муҳит муҳофазаси, юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш барча мамлакатлар ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутажаклиги яна бир бор қайд этилди.

Етакчи сиёсат арбоблари, билимдон олимлар, жамиятшунос мутахассислар инсоният келажаги, давлатлар, миллатлар, жамиятлар истиқболи умумжаҳон иқтисодий интеграциясига узвий боғлиқ эканлигини тинмай тадқиқ этмоқдалар. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг Оврупога ҳамда АҚШга сафари жуда катта аҳамиятга молик бўлди. Юртбошимиз Италиянинг Флоренция шаҳридаги Оврупо Иттифоқига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқлари саммити чоғида мазкур халқаро ташкилот билан Ўзбекистон ўртасидаги шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга қўл қўйди. Бу воқеа жаҳон оммавий ахборот воситалари томонидан фавқулодда бир ҳолат, деб баҳоланди. Чунки, ўз номи билан Оврупо деб аталмиш халқаро ташкилотга Марказий Осиёда жойлашган мамлакатнинг қўшилиши чиндан ҳам ажойиб бир ҳол эди.

Президент И. Каримовнинг дунёдаги энг катта ва қудратли давлат — Америка Қўшма Штатларига қилган ташрифи давомида ҳам ўта катта ишлар амалга оширилдики, бу воқеаларни жаҳон оммавий ахборот воситалари жуда кенг шаҳрлади. Президент Ислом Каримовнинг АҚШ президенти Б. Клинтон билан учрашуви, АҚШ маъмуриятининг юксак лавозимли кўпгина расмий кишилари билан мулоқотда бўлиши, Хьюстон, Денвер шаҳарларидаги ишбилармон доиралар вакиллари, қатор компаниялар, корпорациялар раҳбарлари билан дийдорлашувлари алоҳида эътиборга эга бўлди. Чунки, АҚШдаги оддий кишиларнинг Ўзбекистон Президентига кўрсатган ҳурмат-иззати, меҳмоннавозлиги, ўртада бўлиб ўтган очиқ суҳбатлар натижаси ҳаммани ҳайратга солди. Чунки республикамиз Президенти Ўзбекистонни кашф этишда Америка халқига катта ёрдам берди. Юртбошимиз журналистлар билан бўлган мулоқотларда ҳам ўз иқтидори, донолиги, келажакни ёрқин тасаввур эта билиши билан ҳаммани қойил қолдирди.

Юртбошимизнинг Оврупо ҳамда АҚШга қилган сафарлари тўғрисида ҳали кўплаб мақолалар ёзилади, фикр-мулоҳазалар билдирилади. Умумий хулоса шундайки, Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий алоқалар янада юқори поғонага кўтарилди, икки ўртадаги иш бирлигига сиёсий замин ҳозирланди.

НАТО: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

Сўнгги ҳафталарда жаҳон оммавий ахборот воситалари яна бир мавзуни кенг муҳокама қилмоқда. У ҳам бўлса НАТОнинг ўтмиши, бугуни, истиқболи хусусидаги масаладир.

Маълумки, иккинчи жаҳон урушидан сўнг икки буюк ҳарбий - Шимолий Атлантика уюшмаси ташкилоти ҳамда Варшава Шартномаси ташкилоти вужудга келган эди. Улар деярли ярим аср мобайнида бир-бирига қарама-қарши турдилар. Тинчлик қисмати неча бор «қил устида» қолди. «Ёқа олишиш» ҳавфи туғилган пайтлар ҳам кўп бўлди. «Совуқ уруш» нинг даҳанаки жанглари, қурол-яроғни кўпайтириш пойгаси, юзма-юз туриб, кўз олайтириш вазиятлари салкам эллик йил давом этди. Ва ниҳоят «қизил империя»нинг нураши, собиқ СССРнинг тугатилиши оқибатида Варшава Шартномаси барҳам топди. НАТОчи? У нима бўлди?

Шимолий Атлантика уюшмаси жойида қолди. Эндиликда у бутун жаҳонда тинчлик гарови сифатида сиёсат юргаза бошлади. Кувайт ва Ироқ можароларида, Босния ва Херцеговинадаги қирғинбаротликларда у давр синовидан муваффақиятли ўтди. Ер қуррасидаги катта-кичик мамлакатлар, янги пайдо бўлган мустақил давлатлар унга ишонч билдира бошладилар. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг ҳам НАТО билан мулоқотлари ижобий мазмун касб эта бошлади.

Ўз сафида 16 мамлакатни бирлаштирган Шимолий Атлантика уюшмаси фаолиятида 1994 йил январига келиб, ўзига хос жараён пайдо бўлди. Бу йўналиш - НАТОга янги аъзолар қабул қилиш ва уни кенгайтириш ниятига қаратилди. Айни пайтда унга 15 давлат, хусусан, Албания, Озарбайжон, Болгария, Чехия Республикаси, Эстония, Финландия, Венгрия, Латвия, Литва, Польша, Руминия, Украина кабилар аъзо бўлиш ҳоҳишини билдирмоқдалар. Улар ҳозирлик борасида «муҳокама учун ҳужжатлар» ни тайёрладилар, яккамаякка мулоқотда бўлдилар, НАТО мудофаа тизилмаси жараёни, уюшма бюджетини биргаликда шакллантириш, ўтказилажак сиёсат тамойиллари каби муҳим бўғинлар билан танишдилар. Янги аъзоларни қабул қилиш йўл-йўриқлари шу йил декабрь ойида Брюссель шаҳрида ўтказиладиган вазирлар кенгашида очиқ-ойдин айтилади.

1994 йилги қарордан сўнг «Тинчлик йўлида шериклик» деган ташаббус пайдо бўлди. Бу ҳаракат асосан икки мақсадни — шериклик йўлига қадам қўйган мамлакатларга НАТОга аъзо бўлишда ёрдам бериш ҳамда яқин орада НАТОга кирмайдиган давлатлар билан мазкур уюшма ўртасидаги алоқаларда узоқ муддатли механизмни вужудга келтиришни кўзлади. Ўтган бир ярим йил ичида бу борада анча ишлар амалга оширилди.

НАТО бош котиби Х. Солана яқинда янаги йил бошларида уюшмага янги аъзолар қабул қилиш тўғрисида музокаралар бошланади, деб айтди. Лекин Россия НАТОнинг ғарбга қараб кенгайишига, хусусан, Литва, Латвия, Эстония, Украиналарнинг унга аъзо бўлишларига қатъиян қарши чиқмоқда.

Аммо «Тинчлик йўлида шериклик» ташкилоти ўз фаолиятини муваффақиятли давом эттирмоқда. Дунёда тинчлик ўрнатишдек муқаддас йўлда унга қатор мамлакатлар қўлларидан келган ёрдамни кўрсатмоқдалар. Бизнинг Ўзбекистонимиз ҳам бундан мустасно эмас. У «Тинчлик йўлида шериклик» тадбирлари доирасида амалга ошираётган ҳамкорлик тобора чуқурлашиб бормоқда.

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛАНДИ

МАЪЛУМКИ, Россия Федерацияси президентлигига 16 июнда бўлиб ўтган сайловларда ҳеч ким мутлақ кўпчиликнинг овозини ололмаган эди. Иккинчи давра сайловларига тайёргарлик қизиб кетди. Энг катта лавозимга даъвогар— Б. Н. Ельцин ҳамда Г. А. Зюганов тарафдорлари ўз номзодларининг муваффақиятини таъминлаш мақсадида барча чора-тадбирлардан фойдаланишга уриндилар.

Ниҳоят 3 июль ҳам етиб келди. Овоз беришга киришиладиган пайт соатлар, дақиқалар, сонияларигача ҳисоблаб қўйилди. Лекин, сайловчиларнинг қайси томонга кўпроқ оғиши энг чигал муаммолардан бири бўлиб қоларди. Сайлов куни кечга қадар ҳам вазият равшанлашмади. Мамлакатнинг турли минтақаларидан келаётган хабарлар гоҳ у номзоднинг, гоҳ бу номзоднинг қай ўринда бораётганлиги тўғрисида эласэлас тасаввур ҳосил қилар эди, холос.

4 июль куни тушга яқин дастлабки натижалар бир қадар ойдинлашди. Россиянинг амалдаги президенти Б. Н. Ельцин учун 53,55 фоиз, коммунистлар номзоди Г. А. Зюганов учун 41 фоизга яқин овоз берилганлиги маълум бўлди. Эндиги рақамлар бу кўрсаткичларга жузъий тузатишларгина киритиши мумкин. Шундай қилиб, деярли бир йил давомида авж олган президентлик сайлови тўғрисидаги шов-шувларга чек қўйилди. Борис Ельцин Россия Федерациясининг президенти этиб сайланди.

НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

● ИСРОИЛ кнессети томонидан маъқулланган вазирлар маҳкамаси тўлиқ ишга киришди. Унда Бенъамин Нетаньяху— бош вазир, қурилиш ҳамда дин ишлари бўйича вазир, Давид Леви — ташқи ишлар, Ицхак Мордехай — мудофаа, Эли Суисси— ички ишлар, Дан Меридор — молия вазири лавозимларида фаолият кўрсатмоқдалар. Вазирлар маҳкамасида жами 17 вазирлик бор.

● ЗАМОНАВИЙ Туркия тарихида биринчи марта унинг ҳукуматини исломпарастлар туздилар. Саҳоват партияси раҳбари Нажмиддин Эрбаканнинг вазирлар маҳкамаси таркибини президент С. Дэмирел тасдиқлади. Ҳукумат Тансу Чиллер хоним бошлиқ ўнг марказчи — Тўғри йўл партияси билан иттифоқда тузилди.

● ШУ ЙИЛ 1 июлдан бошлаб Оврупо Иттифоқида Ирландия вакили раислик қилади. У Италия вакилини алмаштирди.

● МАШҲУР тележурналист, марҳум Владислав Листьевнинг онаси Зоя Листьева Москвада автоҳалокат натижасида вафот этди.

● ЧЕТ ЭЛЛИК расмий шахсларга Фаластин мухториятининг Шарқий Ируресалимдаги ваколатхонасига ташриф буюриш ман этилди. Бундай ҳатти-ҳаракатлар Исроил пойтахти ҳисобланмиш Иерусалим мақомига тўғри келмайди, деб ҳисобланмоқда.

● ЧОРШАНБА куни Днепродзержинск шаҳрида катта фалокат рўй берди. Ўта тез кетаётган трамвай ўзини тўхтатолмай, издан чиқиб кетди ва баҳайбат темир-бетон деворга урилди. Натижада 29 кищи ҳалок бўлди, 74 нафар йўловчи қаттиқ жароҳатланди. Украина президенти 3 июлни мотам куни деб эълон қилди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

Германиянинг Франкфурт шаҳри кўриниши. Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) сурати.

«ОЛИМП-601» — НОГИРОНЛАР МАШИНАСИ

Республика ижтимоий таъминот вазирлигида ногиронлар учун мўлжалланган «Олимп-601» автомобили билан таништириш маросими бўлди. Автомобиль «Олимп» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ходимлари томонидан яратилган.

Янги тўрт ўриндиқли автомобилга махсус жиҳозлар ўрнатилган. У арзонлиги, ёқилғини кам сарфлаши, таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш ишларига кам маблағ талаб қилиши билан бошқа машиналардан фарқ қилади.

Таништириш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон ижтимоий таъминот вазири Б. Умурзоқов, «Олимп» қўшма корхонасининг бош директори С. Мукурдумов, уруш ногирони М. Ғуломов, Ўзбекистон ногиронлар жамияти раиси С. Убайдуллаев, «Маҳалла» республика хайрия жамғармаси раиси Ш. Темуров мамлакатимиз Президенти ҳамда республика раҳбарияти томонидан уруш ва меҳнат ногиронларига муттасил ғамхўрлик кўрсатиб келинаётгани тўғрисида гапиришди.

«Олимп» қўшма корхонаси тез орада ногиронлар учун мўлжалланган автомобилни ишлаб чиқара бошлайди. Корхонада йилига 30-40 мингта машина тайёрланиши режалаштирилмоқда. Машиналар республикамиздан ташқари Марказий Осиёдаги бошқа давлатларга ҳам етказиб берилади.

(ЎзА).

АДОЛАТ ТАДБИРИ

Иккинчи жаҳон уруши тугаганига ярим асрдан ошди. Бироқ оламшумул бу фожеа жароҳатлари ҳамон битгани йўқ. Концлагер, асирлик азобини тотиб кўрган кишиларнинг кўпчилиги ҳали барҳаёт. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда июль ойидан бошланган, республикамизда истиқомат қилаётган уруш жабрдийдаларига пул тўловлари тўлаш тадбири алоҳида аҳамият касб этади. Тадбирни Ижтимоий таъминот вазирлиги Украина Ҳамжиҳатлик ва муроса жамғармаси ҳамда Украина Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси билан биргаликда уюштирган.

1992 йил декабрь ойидаёқ Германиянинг ана шундай тўловлар тўлаш учун Россия, Беларус, ва Украинага 1 миллиард немис маркаси ажратиши тўғрисида аҳдлашувга эришилган эди. Бу — бир марта бериладиган моддий ёрдам тариқасида амалга ошириладиган тадбирдир. Концлагерлар, геттолардаги тутқунлар, уруш пайтида зўрлаб Германияга олиб кетилган кишилар, шунингдек у ёрда туғилган болалар бундай ёрдам олиш ҳуқуқига эга. Уч республикада ташкил этилган ҳамжиҳатлик ва муроса жамғармалари бу тўловларни тўлаш билан шуғулланади. Бироқ ўша пайтда Россия, Беларус ва Украинада яшаган анчагина киши турар жойини ўзгартирган. Шунинг учун ҳам Украина жамғармаси Алмати шаҳрида ўзининг ваколатхонасини очди. У Марказий Осиё ва Кавказорти давлатлари аҳолисига хизмат кўрсатади.

Ваколатхонага республикамизда истиқомат қилаётган 360 дан ортиқ фуқаро ёрдам сўраб мурожаат қилди. Тегишли ҳужжатлар кўриб чиқилганидан кейин уларнинг кўпчилигига тўлов тайин қилинди. Ўзбекистон халқ банки қўмагида пул тўлаш механизми ишлаб чиқилди. Тўлов немис маркаси ёки ўзбек сўмида банк операциялари учун ҳақ олмасдан бажарилади. Ҳар бир тўловнинг қиймати — 400 дан 1000 маркагача.

Бироқ бу масалалар бўйича қаерга мурожаат қилишни ҳали кўпчилик билмайди. Шунинг учун ҳам Украина ҳамжиҳатлик ва муроса жамғармасининг минтақавий ваколатхонаси манзилини маълум қиламиз. Марҳамат, қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: **Алмати шаҳри, Кунаев кўчаси, 122-уй.**

А. ИВАНОВА, ЎзА мухбири.

ХАФТАЛИК TV КЎРСАТУВЛАР

Тошкент ҳақиқати

ДУШАНБА, 8

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Хафтанома».

*

8.30 «Ғазалхон ёшлигим».
9.00 Болалар учун. «Гўзаллик олами».
9.30 «Ишбилармон». Публицистик кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Илҳом чашмалари». Кўрикталнлов ғолибларининг чиқиши.
10.50 «Бола бошидан...». Ёзги соғломлаштириш тадбирлари.
11.20 «Бошсиз чавандоз». Бадиий фильм.
12.55 Ўзбек қўйларидан концерт.
13.25 «Абадият қўшиғи». Бадиий-публицистик кўрсатув.
14.00—14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Хотира». «Орзулари бир дунё эди...».
18.35 Футбол шарҳи.
18.50 «Тилга эътибор...».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним!».
21.05 «Миллат». Бадиий-публицистик кўрсатув.
21.35 Фольклор-этнографик жамоаларининг «Зилол» телевизион фестивали.
21.55 ЎзТВ хазинасидан. Комил Аваз. «Сақили наво». Видеофильм. 1-қисм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55—00.15 «Тонгларга тутаган наволар». Абдурасул Ғуломов.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Палитра».
19.05 «Услуб» (Мода янгиликлари).
19.15 «Камертон».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Курьер».
20.15 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.10 «Прайм-тайм».
22.20—23.20 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ажойиб бошмоқлар». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
18.10 — 20.35

*

20.35 Эълонлар.
20.40 «Улуғ Темур васияти». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзкинохроника»).

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 «Жонли сайёра».
21.50 Эълонлар.
21.55 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.45 — 22.50 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Кўзмунчоқ». Болалар учун дастур.
19.30 «Замин саховати».
20.00 Эълонлар.
20.05 «Кинематограф».
20.55 «Жаҳон янгиликлари». Халқаро шарҳ.
21.15 Эълонлар.
21.20 «Спорт-тайм».
21.50 «XXI аср технологияси». Эй-Би-Би.
22.15 «Акциядор луғати».
22.30 Эълонлар.
22.35 — 22.45 «Хайрли тун!»

СЕШАНБА, 9

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Табиат — ҳаёт сарчашмаси». Кинодастур.
9.15 Биржа ва банк хабарлари.
9.30 «Ёшлик» студияси. «Эъзоз».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Сўз». Публицистик кўрсатув.

Ўқув машғулотлари:

10.30 Абитуриент-96. Математика.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Абитуриент-96. Она тили.

*

12.00 «Кичкинтой»га хат келди.
12.30 «Жонли камалак». Болалар учун фильм.
13.35 «Ракслар оламида».
14.00—14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Алдар Кўса ва бой». Мультфильм.
18.20 «Биламиз-у, аммо...». Телемунозара.
18.55 «Сайёрамиз садоси». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Автоолам». Телелавҳа.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Келажак уфқлари». Публицистик кўрсатув.
21.35 «Севар ёр». Нодира Султонова қўйлайди.
22.00 ЎзТВ хазинасидан. Комил Аваз. «Сақили наво». Видеофильм. 2-қисм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тавфиқ ал-Ҳаким. «Изҳор». Телеповелла.
00.35—00.45 Тунги концерт.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка сири». Телесериал (Бразилия).
19.15 «Блиц». Фотокўрик.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис мажлислар» (хотин-қизлар учун кўрсатув).
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Кинонигох».
23.25—24.00 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Тупроқ тилга кирганда». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзкинохроника»).

*

Россия жамоат телевидениеси

6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.10 — 20.35

*

20.35 Эълонлар.
20.40 «Бу ажиб дунё».

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Шифокор билан мулоқот».
19.30 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
19.45 Эълонлар.
19.50 «Санта-Барбара». Телевизон бадиий фильм.
20.40 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.10 «Шаҳрим — фахрим».
21.40 Эълонлар.
21.45 «Истеъдодлар ва мухлислар».
22.15 Эълонлар.
22.20 «Океандан океангача». USA-круиз.
23.00 — 23.10 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 10

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Биламиз-у, аммо...». Телемунозара.
9.00 «Томоша». Болалар учун фильм-концерт.
9.30 «Кашф этилаётган имкониятлар». Ҳамкорлик самараси.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Ороғмоҳлар қўйнида».

Ўқув машғулотлари:

10.30 Абитуриент-96. Кимё.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 Абитуриент-96. Физика.
12.00 «Ассалом, япон тили!».

*

12.35 «Пушчик Прагага боради». Бадиий фильм.
14.00—14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Синфдош». Тележурнал.
18.40 «Комил фарзандлар умидида». Адабий кўрсатув.
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ижтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Қўшиклар-кўрик-танлови.
21.15 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Наманган вилояти.
21.50 «Муҳаббат ихтиёр эт». Ака-ука Амирқуловлар.
22.15 ЎзТВ хазинасидан. Комил Аваз. «Сақили наво». Видеофильм. 3-қисм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» — «Дўстлик» (ёзиб олинган).
00.40—00.50 Тунги концерт.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юлдузли механика».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Гиннес-шоу».
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.55—23.55 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «От». Мультфильм.

*

Россия жамоат телевидениеси

6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.10 — 20.35

*

20.35 Эълонлар.
20.40 «Ўзбектелефильм» таништиради. «Орол — тақдирим менинг». Премьера.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.25 «Уйқудаги гўзал». А. Навоий номидаги Давлат академик Катта театрининг балет-спектакли.
23.40 — 23.45 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Ўзбекистон муштарак».
18.50 «Мультқарусель».
19.00 «Дунё ва болалар».
19.30 «Самарали изланишлар».
20.00 «IV канал эксклюзиви».
20.30 «Маънавият сарчашмалари».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Тошкент оқшомида».
21.55 «Буюк Ипак йўли». Лотерея ўйини.
22.00 «Сохибқирон салоҳияти». Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган кўрсатув.
22.25 Эълонлар.
22.30 «Кинематограф».
23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.35 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 11

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Нафосат олами». Кинодастур.
9.10 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
9.25 «Али-кичкина». Андижон қўғирчоқ театрининг спектакли.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Само маликаси». Телеочерк.

Ўқув машғулотлари:

10.30 Абитуриент-96. Биология.
11.00 Ўзбек тилини ўрганамиз.
11.30 Абитуриент-96. Адабиёт.

*

12.00 «Махтарли рисоласи». Мусиқий дастур.
12.30 «Футбол майдонларида».
12.55 «Чинор остидаги дуэль». Бадиий фильм.
14.00—14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Бу дамлар ўхшар эртакка». Болалар учун қизиқарли дастур.
18.45 «Компьютер-шоу». Телемусобақа.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Нурли йўллар». Ўзбекистон темир йўлининг истиқболи.
21.25 Мумтоз мусиқа кечаси.
21.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «МХСК» — «Нурафшон» (ёзиб олинган).
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Адабий театр. Тўра Сулаймон. «Сайёралар нотинч».
00.20—00.30 Тунги концерт.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка сири». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хобби-холл».
20.15 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Автосалон».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Кинонигох».
23.35—00.20 «Спорт қитъаси».

III

17.55 Янгиликлар.
18.00 Эълонлар.
18.05 «Эстафета». Спорт кўрсатуви.

*

Россия жамоат телевидениеси

6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.00 — 20.35

*

20.35 «Шаҳар ва юлдузлар». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзкинохроника»).

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 23.05

*

23.05 Эълонлар.
23.10 — 23.15 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Хамшаҳарлар».
19.30 Эълонлар.
19.35 «Компьютер-ревю».
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Каталог».
21.05 Эълонлар.
21.10 «02» тўлқинида.
21.25 «Эколот-коктейль».
21.55 Эълонлар.
22.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.30 «Кобра». Телесериал (АҚШ).
23.15 —23.25 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 12

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Компьютер-шоу». Телемусобақа.
9.05 «Табобат мўъжизалари». Тележурнал.
9.40 «Юзма-юз». Мулоқот.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Хазинамиз таянчи». Бозор иқтисодиёти ва солиқ.
10.25 «Кўк қўш». Бадиий фильм.
12.05 «Ёшлик» студияси. «Талабалар саҳнасида».
12.35 «Шифо маскани».
12.55 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Инсон қалбига йўл».
13.10 «Хирмон тўлиб тўкилди дон...».
13.40 Юнус Ражабий номидаги мақомчилар кўрик-танловининг ғолиби Азамат Отажонов қўйлайди.
14.00—14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Талаб ва таклиф».
18.30 Болалар учун. «Гулгунчалар».
18.55 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ҳаёт ва қонун». Фуқаролик жамияти ва виждон эркинлиги.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ватанни севмоқ иймондандир...».
21.35 Диққат, премьера! «Ўта олис кеча...». Видеофильм.
22.15 «Олам ва одам». Маърифий кўрсатув.
22.50 «Саҳна ҳаёти». Тележурнал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Машъал» (Қарши) — «Атласчи» (Марғилон). Ёзиб олинган.
00.40—00.50 Тунги концерт.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.40 «Бизнес-уик».
19.00 «Сизнинг имконият».
19.10 «Мусиқа, холос».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Видеогид».
20.15 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 ТВ-II намойиш этади.
21.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.40—23.40 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Чўлдаги тимсоҳ». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси

6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.15 — 20.35

*

20.35 Эълонлар.
20.40 «Шоҳсупа сари». Спорт кўрсатуви.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 00.05

*

00.05 Эълонлар.
00.10 — 00.15 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Учқун».
19.20 Эълонлар.
19.25 «Монитор-Осиё».
20.05 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.35 Долзарб репортаж.
21.15 Эълонлар.
21.20 «Бизнес-академия».
21.50 «Сиз кутган учрашув». Галина Абиякий концерти.
22.20 Эълонлар.
22.25 «Бу бўстон аро...»
22.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 13

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Ғафур Ғулом. «Ҳасан қайфий». Йўлдош Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
9.45 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
10.15 «Сирли сандиқ». Телеўйин.
10.55 «Сиздан ўгина, биздан бугина». Бадиий фильм.
12.20 «Тараннум». Мусиқий дастур.
12.50—14.20 «Маънавият». Видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Фотиманнинг саргузашти». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли.
18.40 Спорт хабарномаси.
18.55 «Ҳаётнинг ўзи қизиқ». Қувасой чинни заводида ҳажвчилар билан

БУЮК СОҲИБҚИРОННИНГ РУҲИЙ ДУНЁСИ

АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 660 ЙИЛЛИГИ

Инсоният тарихида жуда кўплаб хон ва подшолар, салтанат соҳиблари, давлат арбоблари, жаҳонгир лашкарбошилар, султонлар ўтган. Шулар жумласига соҳибқирон Амир Темур, Искандар Зулқарнайн, Юлий Цезар, Чингизхон, Напалеон ва бошқаларни киритиш мумкин. Лекин, соҳибқирон Амир Темур ўзининг бир қатор олийжаноб фазилатлари: адолатлилик, иймон-эътиқодлик, инсоф-диёнатлик, мардлик, жасурлик ва бошқа инсоний хусусиятларни ўзида мужассамлаштирганлиги билан улардан ажралиб туради.

Буюк шахс эгаси бўлган соҳибқирон Амир Темурнинг бошқа жаҳонгирлар ва салтанат соҳибларидан фарқ қилувчи ўзига хос инсоний фазилатларига, психологик қарашларига ҳамда руҳий дунёсига қисқача баҳо бериб ўтишни лозим топдик.

Ҳазрат Амир Темурнинг шахси ва руҳий дунёси ҳақида унинг замондошлари ва тарихчилари кўп маълумотларни ёзиб қолдирганлар.

Таниқли тарихчи Аҳмад бин Муҳаммад бин Арабшоҳ қуйидагича ёзади: «Темур гавдаси келишган, узун бўйли одам эди, пешонаси очиқ, калласи катта, овози жарангдор бўлиб, кучи жасурлигидан қолишмасди... Елкалари кенг, бармоқлари тўлиқ, қовурғалари узун, мушаклари кучли эди. Узун соқол қўйиб юрарди, ўнг қўли ва ўнг оёғи майиб, қарашлари етарли ёқимли эди. Ўлишни писанд қилмасди; қарийб 80 га кириб ўлаётган чоғида ҳам ақл-заковотини ҳам, довюраклигини ҳам йўқотмаган эди. У ёлғон-яшиқнинг душмани бўлиб, ҳазил унинг кўнглига ёқмасди.

Ўзининг олдида талон-торожлик, қотиллик, хотин-кизларнинг номусига тегиш, зўрлаш ҳақида гапиришга йўл қўймасди: у, ҳақиқат қанчалик аччиқ ва қаттиқ бўлмасин, уни эшитишни яхши кўрарди. Яхши ёки ёмон ҳолатлар унинг кайфиятига ҳеч қандай таъсир кўрсатмасди. Жасур аскарларнинг дўсти, ғоят мард ва ботир бўлган бу одам кишиларни ўзини ҳурмат қилишга, ўзига бўйсундиришга мажбур эта оларди».

Ҳазрат соҳибқирон Амир Темур ўзига хос мураккаб психологик хусусиятга эга бўлган шахсдир. Темур шахсининг мураккаблигини унинг сафдошлари, замондош тарихчилари, шарқшунос олимлар ўз асарларида баён этганлар. Темур шахсининг ўзига хос хусусиятларини биз Темур томонидан яратилган давлатни бошқариш қонунлари — «Темур тузуклари» ва Темур даври ва унинг турли соҳадаги фаолияти ҳақида муҳим манба ҳисобланган XV аср бошида ёзилган Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарларидан батафсил ўқиб ўрганишимиз лозим бўлади.

Олимларнинг Амир Темур ҳақида ёзган китобларида соҳибқироннинг инсоний фазилатлари ва руҳий дунёси алоҳида қайд қилинган. Темур олимларга серилтифотли эди. Билимдонлиги билан софдиллигини кўрган кишиларга ишонч билдирарди. У тарихчилар, файласуфлар ва бошқа билимдон кишилар билан суҳбатлашиш учун тахтдан тушиб уларнинг ёнига келарди. Темур илмий мунозаралар уюштириш, бу мунозаралларда мантиқий саволлар билан илм аҳлини лол қолдирган илму уламоларни ўта ҳурмат қилиш, муомалада ўта оддийлик, ноҳаклик бўлса гуноҳкорни жазолаш ва авф этишдек олийжаноб фазилат эгаси эканлигини унинг душманлари ҳам тан олганлигига тарих шоҳиддир. Темур, унинг тарихчиларидан бири (Шарофуддин)нинг айтишича, «... Бир вақтнинг ўзида душманларга офат, аскарларига қаттиқ қўл раҳбар, ўз халқига эса ота бўла олар эди. У ўз фуқаросининг аҳволи ҳақида яхши бошлиқлари берган маълумотларни ўзи шахсан кўздан кечирарди; негаки, у одам таний ва танлай биладиган шоҳ эди».

Темурда дўсту-душманга муомала қилиш психологияси ўта кучли бўлганини унинг тузукларида яққол кўрамиз. «..Самарқандда салтанат тахтига ўтирганимдан сўнг, дўсту душман билан (муомалада) бир текис йўл тутдим. Менга ёмонлик қилган, ҳийла-маккор ишлатиб, жанг майдонида менга қарши қилич яланғочлаган... чорасиз қолиб илтижо билан менинг паноҳимга келганларида уларга шундай яхшиликлар қилдимки, менинг иноятим ва ҳайр-эҳсонимни кўриб, ўзлари шарманда бўлдилар. Кимни ранжитган бўлсам, эҳсону инъомлар билан кўнгилидаги ҳафагарчиликни чиқардим ва мартабаларига қараб имтиёзлар бердим».

Салтанат соҳиби ўзининг меҳрибонлиги, ширинсуҳанлиги туфайли кўп дўстлар орттириш, уларни дўст деб аташдан тортинмади ва бу дўстликни сақлаб келди. Темур дўстлик фақат дўстлик билан қайтарилишини яхши биларди.

Салтанатни идора этишда Темурнинг зўр маҳоратли психолог бўлганлигини қуйидаги мисраларда кўрамиз: «Қайси мамлакатни забт этган бўлсам, ўша ернинг обрў-эътиборли кишиларини азиз тутдим... Ўша вилоятнинг улуғларини оға-иниларимдек, ёшлари ва болаларини бўлса ўз фарзандларимдек кўрдим... ҳар мамлакатларда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим».

Улуғ бобомизнинг ҳаётий шиори ва ўзига хос хусусиятларидан бири — ҳаққонийлик ва одиллик бўлган. Бу шиор остида у давлат ишларини бошқарган, юртни, Ватанни, миллатни севиб ардоқлаган.

Н. ЭШМАТОВ,
профессор.

Кел, ярашайлик! **Дилшод ЮСУПОВ сурат-лавҳаси.**

ДАВРОН МЕНИ ЎТКАРДИ...

Даврон мени ўткарди сару сомондин,
Айирди бир йўли мени хонумондин.
Гоҳ бошима тож, гоҳ балойи таъна,
Неларки бошимга келмади, даврондин.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР.

ЎЗБЕК мумтоз адабиётининг атоқли вакили, йирик давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг қисқа умри давомида кўплаб мамлакатларда бўлди. Бобурнинг мўътабар қадами етган, унинг ҳаётида муҳим аҳамият касб этган жойлардан бири Тошкент шаҳри ва вилоятидир.

Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо баланд ҳимматли ва улуғ мартабали подшох эди. Умаршайх Мирзо Фарғона вилоятидан ташқари, маълум бир вақт Тошкент ва Сайрамни ҳам ўз тасарруфида сақлаган.

Бобурнинг онаси қутлуғ Нигорхоним Юнусхоннинг Эсон Давлатбегимдан туғилган иккинчи қизи бўлган. Бобурнинг ўзидан беш ёш катта опаси Хонзодабегим ҳам Қутлуғ Нигорхонимдан туғилган.

Умаршайхнинг қайн отаси, Бобурнинг она томонидан бўлган «улуғ отаси» — яъни буваси Юнусхон Чиғатойхоннинг авлоди эди. Бу ҳақда «Бобурнома» асарида шундай ёзилган:

« «Умаршайх Мирзо... қайн отаси Юнусхонким, Чиғатойхоннинг юртида мўғул улусининг хони ул фурсатта ул эрдиким, менинг улуғ отам бўлғай... Ҳар қатла келтурганда вилоятлар бериур эди...

Охир навбат келатургандаким, ул фурсатта Тошкент вилояти Умаршайх тасаррифида эдиким, китобларда Шош битирлар, баъзи Чоч битирларким, «камон чочий» андин иборатдур, берди.

Ўшал фурсатдан тарих тўққиз юз саккизгача Тошкент ва Шоҳрухия вилояти (Ҳозирги Оққўрғон тумани ҳудуди) Чиғатой хонларининг тасаррифида эди. Бу фурсатда мўғул улусининг хон ва султонлиғи Юнусхоннинг улуғ ўғли — менинг тоғойим Султон Маҳмудхонда эди...»

Бу олам аро ажаб аламлар кўрдим.
Олам элидин турфа ситамлар кўрдим.
Ҳар ким бу «вақойиъ»ни ўқув, билгайким,
Не ранжу, не меҳнату, не ғамлар кўрдим.

Юқоридаги тўртлик улуғ ижодкорнинг «Бобурнома» асари ҳақида ўзи ёзганларидир. Бу шеърий парчани бежиз келтирмадик. Бобурга шухрат келтирган «Бобурнома» асарида Марказий Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон халқлари тарихи, маданияти, жуғрофияси ва бошқа кўплаб қимматли маълумотлар келтирилган. Жумладан, Тошкент ҳам бу асарда кўп ўринларда тилга олинган. Мана бу парчага эътиборни қаратсак:

«...яна бир тамом черикка иш маҳалида икки лафзни ўрон қўярларким, иш вақтида учрашқанда бир-бир лафзни айтқонда яна бир ул маъхуд лафзни айтқай, то бу тарийқ била эл ёғийдин айрилгай ва ўз кишини ётдин фарқ қилғай. Ул юрушта маъхуд ўрон алфазй «Тошканд» била «Сайрам» эди. Тошканд деса Сайрам дейилғай, Сайрам деса Тошканд. Бу орада-тўрда Хожа Муҳаммад Али илгаррак эканду. Мўғуллар: Тошканд, Тошканд деб келурлар, Хожа Муҳаммад Али сарт киши иштиробга бўлур, муқобалада ул ҳам Тошканд, Тошканд дер...»

Бобур Шайбонийхон билан Самарқанд тахти учун кўп курашади, гоҳ енгади, гоҳ енгилади. Шайбонийхондан талофат кўрган Бобур оз сонли — «ғурбат билан меҳнатни ихтиёр қилғонлар, яхши-ёмон, тахминан икки юздин кўпроқ, уч юздин озроқ» бўлган кишилари билан Хўжанд орқали Тошкентга келади. Бундан мақсад 7-8 йилдан бери кўрмаган она авлод қариндош-уруғларини зиёрат қилиш ҳамда хон билан учрашиб, ундан ёрдам сўраш эди:

«... Андижонға уйрушмак ҳаёли била кўмак тилай, Тошкандга хон қошиға бордим. Шоҳ бегимни ва уруғ-қаёшни ҳам 7-8 йил бор эди, кўрмайдур эдим, бу баҳона била аларнинг ҳам кўрулди. Неча кундин сўнг Сайид Муҳаммад Мирзо дўғлатни ва Айюб Бекчик ва Жон Ҳасан Боринни 7-8 юзча черик била кўмак тайин қилдилар...»

Бобур Тошкентга келганини яна «Бобурнома»нинг бир ўрнида шундай ёзиб қолдирган:

«Хоним хон бобом шунқор бўлғоли оналари, инилари, сингилларинким, Шоҳбегим ва Султон Маҳмудхон, Нигорхоним ва Давлат Султонхоним бўлғайлар, кўрмайдурлар эди. Муфорақат илтидоди 13-14 йилга тортиб эди, туққонларни кўргали Тошқандга мутаважжиҳ бўлдилар.

Мен Муҳаммад Ҳусайн Мирзо била сўзлашиб, Ўратепанинг кентларидин Даҳқат деган ерда қишламоқ бўлдум. Бориб уруқни Даҳқатда қўюб, бир неча кундан сўнг Шоҳбегимни ва хон дадамни уруғ қаяшни кўргали мен ҳам Тошқанд азимати қилдим. Бориб Шоҳбегим ва хон дадамга мулозамат қилиб, бир неча кун анда бўлдум.

Менинг онамнинг туққон эгачиси Меҳр Нигорхоним ҳам Самарқанддин келдилар. Менинг онам хоним беҳузур бўлдилар, ҳейли ямон беҳузурлуқ эдилар. Маҳкам мухотара ўткардилар.

Ҳазрат Хожаго Хожа Самарқанддин чиқиб келиб, Фарқатта ўлтуруб эдилар. Фарқатқа бориб Хожийни кўрдум. Умидвор эдимки хон додам риоят ва иноят мақомида бўлуб, вилоят ва паргана бергайлар. Ўратепани ваъда қилдилар. Муҳаммад Ҳусайн Мирзо бермади. Билмон ўзлукидин бермадиму ё юқоридан ишорат бўлдиму?»

Шайбонийхон доимо Бобурни таъқиб қилиб юрди. У Ўратепага келганда, Бобур яроқсиз ва оз сонли кишилари билан унга қаршилик кўрсата олмайди. Бобурнинг борадиган жойи бўлмаганлиги сабабли, Қосимбекка Тошкентга бориб, хон додасидан ёрдам қучи олиб келишни сўрайди. Қосимбекка маъқул тушмайди ва у Ҳисор томонларга кетади. Ташвиш-машаққатлар кўпайиб боради. Ўратепада экан, Самарқандда ҳолосининг, Андижонда бувисининг (Умаршайхнинг онаси) вафотини эшитади. Самарқанд Шайбонийхон қўлида, Андижон илгариги мулозими, ҳозирда душманига айланган Аҳмад Танбал қўлида.

Бобур яна Тошкентга хон додаси хузурига келади. Бир неча кун хизматида бўлади. Юқорида таъкидлаганимиздек, бирор вилоят умидида юради. Лекин, умиди пучга чиқади. Бобур маъюс яна Тошкентдан Ўратепага қайтади. Қишни Даҳқат деган манзилда ўтказмоқчи эди, бироқ, Шайбонийхоннинг уни яна таъқиб қилиб келаётгани маълум бўлади. Совуқ тушган, Хўжанд суви (Сирдарё) музлаган. Бобур муз устидан ўтиб, Пискентга ундан Оҳангаронга боради. Ҳиёнатлар ва улар туфайли яқин кишиларидан ажралиш, масалан Нуён Кўқалдошнинг сирли ўлими, қариндош-уруғлардаги ҳамиятсизлик, Шайбонийхоннинг тинимсиз таъқиби Бобурга қаттиқ таъсир қилади.

Қурбон ҳайитини Шоҳруҳияда — ҳозирги Оққўрғон туманида ўтказиб, яна Тошкентга қайтади. Хон дадасига бир рўбойи битиб, аҳволини баён қилганини «Бобурнома»да ёзиб қолдирган.

«Бетаваккуф ўтуб, хон қошиға, Тошқандға бордим. Бу рубойини айтиб эдим, маъмул қофиясида тараддудим бор эди, ул маҳалда шеър мусталоқиға мунча татаббуъ қилмайдур эдим, хон хуш таъб киши эди, шеър айтур эди, агарчи сару самонлиқ ғазали камроқ эди, бу рубойини хонға ўткариб, тараддудимни арз қилдим. Кўнгил тинғудек шофий жавоб тополмадим. Ғолибо шеър мусталаҳотиға камроқ татабуъ қилғондурлар. Рубоий будур:

Ёд этмас эмиш кишини меҳнатта киши,
Шод этмас эмиш кўнгини ғурбатта киши.
Кўнглум бу ғарибликда шод ўлмади ҳеч,
Ғурбатта севунмас эмиш, албатта, киши».

Бу рубоийга Бобурнинг хон буваси эътибор этмайди. Бир неча кундан сўнг Аҳмад Танбал Ўратепага қўшин тортиб келади. Юнусхон ва Аҳмад Танбал қўшинлари тўқнашадилар. Сўнгра муросага келадилар. Бунинг шарофатига катта ов ва зиёфат уюштирадилар. Бу ҳол эса Бобурни қаттиқ изтиробга солади.

Худди шу куни Бобур ўзининг машхур «Топмадим» радифли ғазалини ёзади. Ғазалда Самарқанддай улуғ ва муқаддас юртни икки марта қўлга киритиб, икки марта қўлдан бериш изтироби, мадад кутган кишиларнинг лоқайд ва бепарволиги туғдирган ёлғизлик ҳисси, сарсонликда кечган кунлар алами анъанавий ишқий мавзуга хос тафсиллар орқали ифодаланади:

Жонимдин ўзга ёри вафодор, топмадим,
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.
Жонимдек ўзга жонни дилафгор кўрмадим,
Кўнглим киби кўнгилни гирифтор топмадим.
Усрук кўзига токи кўнгил бўлди мубтало,
Ҳаргиз бу телбани яна хушёр топмадим.
Ночор фурқати била хой этмишам, нетай,
Чун васлиға ўзумни сазовор топмадим.
Боре борай эшигига бу навбат, эй кўнгил,
Нечаки бориб эшигига, бор топмадим.
Бобур, ўзингни ўргатакўр, ёрсизки, мен
Истаб жаҳонни, мунча қилиб, ёр топмадим.

Бобур ёшлигидан Хитойга сафар қилишни орзу қиларди. Тошкентда ўз қариндош-уруғлари орасида юрганда ҳам, бу орзу уни сира тарк этган эмас. Лекин, Тошкентда экан, унинг қўл остида на бир вилоят бор, на унда лашкар қолган, аскарларнинг кўпчилиги сарсон-саргардонликда турли томонларга тарқалиб кетишган. Тошкентда хон дадасининг қошида юрган чоғларида, Бобур худди ўз уйида юрганидек оёқ-яланг, эмин-эркин юрар эди. Онасининг ҳам ўз туғишганлари даврасида эканлигидан кўнгли таскин топгандек эди. Шу вақт Бобурнинг кичик хон додаси билан учрашишига тўғри келади:

«Тошкент била Сайромнинг орасида Яғо деган кент ва яна бир неча кентгиналар бор. Иброҳим ота ва Исҳоқ отанинг қабри андадур, бу кентларгача борулди. Кичик хон додамнинг бу замон келурини таҳқиқи билмай ҳолидин суръат била отланиб эдим... менинг била таъзим била кўрушгайлар. Ёвуқ етишиб туштув маҳал ул тақозо қилмади, юкунгунча фурсат ҳам бўлмади, букулуб бориб кўриштим. Изтироб ва инфолдда бўлиб, филхол Султон Саидхон била Бобохон Султонни буюрдиларким, тушуб менинг била юпуниб кўрушгайлар. Хоннинг ўғлонларидан ушбу икки султон ўқ келиб эди, 13-14 ёшда бўлғайлар эди. Бу султонлар била кўрушуб, отланиб, Шоҳбегим қошиға келдук. Ўлтуруб, ўтган-кечган кайфият ва ҳолаттин ярим кечгача ўлтуруб айтиштилар. Тонгласи кичик хон додам манга мўғулча расмлиқ бош-оёқ ва кўрикини ва эгарлик хосса отини иноят қилди... Ул ердин Тошканд сари мутаважжиҳ бўлдилар»

Бобурни сарсон-саргардонлик, бехонумонлик жуда чарчатган эди. У тезроқ «ўз жилови ўзининг илигида» бўлишини истарди. Узоқ мамлакатларга чиқиб кетиш ҳаёли уни буткул банд этган бўлиб, бу сирдан ҳеч кимни хабардор бўлмаслигини истарди. Қариндош-уруғ ва тоғалари унинг бу фикрига қарши чиқишлари, розилик бермасликлари мумкин эди. Онаси Қутлуғ Нигорхоним эса уни бошқа мамлакатларга чиқиб кетишига руҳсат бермаслиги аниқ. Бироқ, Бобурга сарсон-саргардонликда эргашиб юрган, охирги дақиқаларигача унга содиқ қолган кишиларчи?

Бобур душвор ҳаёт кечиришдан кўра узоқ-узоқларга бош олиб, оёғи етган жойларгача кетишга аҳду-қарор қилди:

Мен неча жафову жабринга сабр этай,
Бир зарра вафову меҳр йўқ сенда, нетай,
Чун бошим аёғинга қўярга ярамас,
Бошимни олиб аёқ етганча кетай.

Шундай қилиб, ўз ерини қўйиб, ўз Ватани меҳрига тўймай бошқа мамлакатларга юз тутган Бобур, аввал Афғонистонда, сўнгра Ҳиндистонда давлат тузди. Бобур ва унинг авлодлари Ҳиндистонда икки юз йилдан ортиқ ҳукмронлик қилдилар. Маданият, санъат ва адабиёт ривожига катта улуш қўшдилар. Боғ-роғлар, маданий-меъморий ёдгорликлар бунёд этдиларки, бу тарихий обидалар ҳозирги кунларимизгача жаҳоннинг мўъжизалари қаторида муносиб ўрин эгаллаб, Бобур ва бобурийлар шуҳратини оламга кенг ёйиб келмоқда.

Бедард ҳабиб билмади дардимни,
Туфроқча кўрмади руҳи зардимни,
Мендин неча кўнглида ғубори бўлғай,
Кетдим муна, эмди топмагай гардимни.

Ҳа, гарчи умрининг етук палласи ўзга мамлакатда кечган бўлсада, Бобур ўз юртини охирги нафасигача соғинч билан эслади, унга руҳан талпинди, ўтли ва изтиробли ғазаллар битди. Ватандан айрилиқда яшаган шоирнинг Ватанга муҳаббати иймондек пок ва улуғ эди. Буни Бобур Мирзонинг ҳаёти ва қисмати билан яхши таниш бўлган кишиларимиз жуда яхши биладилар. Олис юртда шоҳ бўлиб ўтган, шоҳона умр кечирган, умрбоқий қурилишлар бунёд эттирган, ўлмас асарлар яратган бу инсон учун ўз юртининг бир кафт тупроғи муқаддас армон бўлди... Демакки, биз авлодлар ўз юртимизни қадр қилмоғимиз, унинг гуллаб-яшнаши учун астойдил меҳнат қилмоғимиз лозимдир.

Баҳодир Ҳабиб Вали.

«Ватанни севмоқ иймондандир» танловига

МУҲОФАЗА ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ҳа, тасодифлар орасида ёнғин алоҳида ўрин тутади. Айрим раҳбарларнинг, мутасадди кишиларнинг, мутахассисларнинг масъулиятсизлиги, лоқайдлиги, бефарқлиги оқибатида, баъзи фуқароларнинг кундалик турмушдаги эътиборсизлиги туфайли аҳён-аҳёнда бўлса ҳам ёнғин ҳодисалари учраб туради. Бундай ҳунюк воқеаларнинг олдини олиш ва ёғин чиқишига сабаб бўладиган камчиликларга барҳам бериш мақсадида республика Вазирлар Маҳкамаси махсус фармойиш қабул қилиб, 1-июлдан 31-июлгача ёнғиндан муҳофаза ойлигини ўтказишга қарор қилди. Бу ҳақда Тошкент вилояти ҳокимининг ҳам фармойиши эълон қилинди.

Мазкур ҳужжатларда халқ хўжалиги объектларини ёнғинга қарши тайёрлаш, ойликни кўнгилдагидек ташкил этиш ва ўтказиш, шу мақсадда тузиладиган комиссиялар ишини фаоллаштириш, ишчилар, деҳқонлар, хизматчилар, ўқув даргоҳлари жамоалари, жамоатчилик вакиллари ўртасида ташвиқот-тарғибот ишларини кучайтириш тадбирларига алоҳида эътибор берилди. Вилоятимизда ёнғиндан муҳофаза қилиш ойлиги муваффақиятли давом этмоқда. Уни лозим даражада якунлаш учун вилоятимизнинг ҳар бир фуқароси ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади, деб ўйлаймиз.

Носир ИСРОИЛОВ,
вилоят ИИБ ЁСБ бўлими бошлиғи ички хизмат майори.

ПАСПОРТ ОЛИШДАГИ ҚУЛАЙЛИК

БЎКА туман ички ишлар бўлими паспорт бўлинмаси аҳолига қулайлик яратишга ҳаракат қилмоқда. Шу ернинг ўзида рангли ва оқ-қора расм олиш хонаси, халқ банкининг бўлими очилиши айни муддао бўлди.

Биринчи бор паспорт олувчи ёшлар ва эскисини алмаштирувчилар шу ернинг ўзида суратга тушиб, тўловларни расмийлаштириб, барча ишларни осонгина бажариб қайтишмоқда. Айни вақтда бу ерда электр қуввати, газ, телефон ҳақи ҳамда бошқа кирим тўловларини тўлаш мумкин.

— Айниқса туман марказидан олисда жойлашган қишлоқ фуқароларига жойларнинг ўзида паспортлар топширишимиз маъқул келяпти, — дейди паспорт бўлинмаси бошлиғи Рустам Абдурахмонов, — Ачамайли, Ғаффор Азаматов, Йўлдош Хожиматов номли жамоа хўжаликларида аҳолига янги паспорт топширишга бағишланган тадбирлар ҳаммада яхши таассурот қолдирди.

Эргаш ЙЎЛДОШЕВ.

Яккасарой туманидаги «Кухинурс» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар бир ой давомида қабул қилинади

«Кухинурс» хусусий ишлаб чиқариш фирмасининг думалоқ муҳри ва бурчакли штампи 1995 йил 12 сентябрда йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Чилонзор туманидаги «Марко-М» хусусий ишлаб чиқариштижорат фирмасининг йўқолган муҳри ва штампи
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ

ТОШКЕНТЛИКЛАР ҒОЛИБ

Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида шахмат бўйича қитъа команда чемпионати тугади. Унда Осиёдаги 41 шаҳар вакиллари иштирок этди. Тошкент командаси Александр Ненашев, Сергей Загребельний, Саидали Йўлдошев, Рустам Қосимжонов ва Дмитрий Қаюмовдан иборат эди.

Тошкентлик шахматчилар Осиёнинг кучли гроссмейстерлари билан беллашувда 36 имкониятдан 25,5 хол олиб, бу нуфузли мусобақа ғолиби бўлдилар.

(ЎзА).

«ЛОЧИН» ҲАМОН ПЕШҚАДАМ

Футбол бўйича Тошкент вилояти биринчилиги қатнашчилари мавсумнинг ярмига якун ясадилар.

Учрашувларнинг аксарияти кескин кураш остида ўтиб, мухлислар бир-биридан чиройли голларнинг гувоҳи бўлишди. 240 ўйинда дарвозаларга 418 та тўп киритилди. Вилоят биринчилиги ўйинларини жами 62 мингга яқин томошабин кўрди.Шуниси эътиборга сазоворки, ғалаба учун 3 очко берилиши дуранглар сонини кескин камайтирди. Зангиотанинг «Лочин» футбол жамоасининг парвози баланд бўлмоқда. 15 учрашувнинг 13 тасида ғалаба эришган «Лочин» 39 очко билан якка пешқадамлик қилмоқда. «Келес» футболчилари пешқадамдан 6 очко орқада қолишмоқда.

Ўтиш ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берадиган ягона йўлланма учун 2-3 эмас балки 4-6 жамоанинг даъвогарлик қилаётганлиги кейинги учрашувларни ҳам кескин ўтишидан далолат беряпти.

Айни вақтда ўсмирлар биринчилиги ҳам давом этмоқда. Ўринбосарлар баҳсида «Янгийўл» футболчилари 38, Ангрен футболчилари 34 очко билан биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаб туришибди.

Биринчи даврадан сўнг жамоалар жадвалда қуйидагича жойлашдилар.

Жамоалар	Ю.	Д.	М.	Т-Н.	О.
«Лочин» (Зангиота)	13	0	2	65-14	39
«Келес»	11	0	4	27-16	33
«Ғалаба»-«Динамо» (Солдатск)	10	2	3	31-10	32
«Оққўрғон»	10	1	4	30-11	31
«Кимёгар-Авто» (Ангрен)	9	2	4	36-17	29
«Сохибкор» (Зангиота)	9	1	5	35-17	28
«Дўрмон»	9	0	6	32-24	27
«Тўйтепа»	9	0	6	28-23	27
«Истиқлол» (Оққўрғон)	8	2	5	38-14	26
«Турон» (Пискент)	7	4	4	26-25	25
«Кимёгар» (Олмалиқ)	5	1	9	19-26	16
«Янгийўл»	4	3	8	14-31	14
«Цементчи» (Оҳангарон)	4	1	10	15-48	13
«Цементчи» (Бекобод)	2	1	12	6-35	7
«Хонобод» (Оҳангарон)	1	1	13	10-42	4
«Пахтачи» (Бўка)	0	0	15	6-64	0

Владимир КОПАНЕВ,
вилоят футбол федерацияси аъзоси.

«ЎЗБЕКНАВО»
гастрол концерт бирлашмаси
«ТУРКИСТОН» САРОЙИНИНГ ЁЗГИ БИНОСИДА
17 июль соат 19.00 да
УСТОЗ ВА ШОГИРД
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист ФАХРИДДИН УМАРОВ
Ўзбекистон халқ артистлари: КАМОЛИДДИН РАҲИМОВ ҒУЛОМЖОН ЁҚУБОВ
лирик хонанда ҲОЖИАКБАР ҲАМИДОВ
«ЎЗБЕКИСТОН» ашула ва рақс ансамблининг рақҳосалар гуруҳи иштирокида КОНЦЕРТ
Дастурни — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.
Жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.
Мурожаат учун телефонлар: 34-99-45, 33-73-10, 35-71-00.

ОЙНАБАЛИҚДАН ДОД ДЕЙИШЯПТИ

АВСТРАЛИЯНИНГ Виктория штатидаги Муррей дарёсида тарихда биринчи марта балиқчиларнинг мусобақаси бўлиб ўтди. Унда 4 минг балиқчи иштирок эди. Саккиз соат давомида улар 16 минг донадан кўпроқ ойнабалиқларни тортиб чиқардилар. Энг катта балиқлар етти килограммгача тош босди. Умуман шу куни ҳаваскор балиқчилар беш тоннага яқин балиқ овладилар.

ИЛГАРИ Австралияда ойнабалиқ сира ҳам бўлмас эди. Уни аквариумларда асрашарди. Ишкибозлар балиқ катта бўлиб, аквариумга сиғмайдиган бўлиб қолгач, дарёга қўйиб юборишган. Энди эса бу турдаги балиқлар «сувдаги энг очофат» балиқлардан бири бўлиб ҳаммаёқни шиппшидон қила бошлади. Кишилар ойнабалиқлар билан жиддий кураш олиб боришяпти. Мусобақа иштирокчиларининг ушлаган балиқлари лангустларни овлаш учун хўрак ўрнига ишлатилди.

БАЛИҚ ТЕРИСИДАН ПОЙАБЗАЛ

БРАЗИЛИЯНИНГ шимолий қисмига жойлашган Сеара штатида ғайриоддий пойабзал фабрикаси бор. У йилига балиқ терисидан 150 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқаради. Пойабзалчиларнинг айтишича қараганда шу пайтгача бирорта харидор ҳам улар тайёрлаган махсулот сифатига эътироз билдирмабдилар.

ДИҚҚАТ, АКУЛА

ЖАҲОНДАГИ аксарият океанлар йиртқич акула балиқлари билан «тўлиб-тошган». Японияда фирмалардан бири акулалар учун электрон қўриқчи тайёрлади. Улар ушбу аппаратни мўъжаз компьютерлар билан таъминлаб, сувга қўйиб юборганларида, қўриқчи акулаларни чўчитадиган овоз чиқариб, уларни қочишга мажбур қилган.

Жакарта унисерситетининг олимлари эса бошқа йўлни танладилар. Улар энг заҳарли ўсимликлардан бири — сумаха шарбатидан дори тайёрладилар-да, озгина қисмини акула тўлиб-тошган кўрфазга ташладилар. Буни қарангки, беш соатгача бу ерга бирорта йиртқич балиқ яқин йўлолмай қолди. Лекин Жанубий Американинг Амазонка дарёсига хос бўлган пиранья йиртқич балиқларини ҳам шундай усул билан чўчитмоқчи бўлишганида, улар заҳарли шарбатларга эътибор ҳам беришмади.

А. МАҲМУДОВ тайёрлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48; Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0366. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 10040 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 20.00. 1 2 3 4 5 6